Ёруғ туйғуларга тўла нафосат айёмингиз муборак, муҳтарама онахонлар, мунис опа-сингиллар!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 7-mart, shanba, № 31-32 (3537)

Аёл — гўзал бўлса — олам гўзал, аёл бахтли бўлса — оила, бутун жамият бахтли бўлади, деган қараш онгу шууримизга чуқур кириб бораётгани ва бизнинг ҳаётий фалсафамизга айланаётганини ҳар томонлама англаб етмоқдамиз.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мунис ва муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчамиз орзиқиб кутадиган, табиат чирой очиб бораётган мана шу илк баҳор кунларида, айни шу шукуҳли айёмда сиз, азиз қадрдонларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан самимий муборакбод этиш менга катта қувонч бағишлайди.

Биз ҳаётимизда турли-туман саналарни байрам сифатида кенг нишонлаймиз. Шулар қаторида кўнгилларимизга гўзаллик ва хурсандчилик, файзу тароват олиб келадиган 8 март байрами алоҳида ўрин тутади. Бу байрам агарки ҳаётимизда бўлмаса, ана шундай байрамни албатта таъсис этиш керак бўларди.

Нега деганда, айни шу кунларда Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлмиш сиз, муҳтарама аёлларнинг шаънига юракюрагимизда, қалбимиз тўрида бўлган энг самимий, энг олижаноб сўзларни, ҳурмат ва эҳтиром, меҳр-оқибат, севги ва садоқат туйғуларини изҳор этиш учун яна бир имконият туғилади ва барчамиз мана шу имкониятдан фойдаланишга шошиламиз.

Ҳеч кимга сир эмас, аёл зоти ҳақида, унинг қандай тенгсиз латофат ва нафосат соҳибаси экани, эзгулик ва фидойилик рамзи, хонадонларимизнинг файзу фариштаси экани ҳақида тарихимизда не-не улуғ мутафаккирлар, шоир ва алломалар қанча-қанча дил сўзларини баён этганлар.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, буюк Алишер Навоий бобомизнинг "Жаннат оналарнинг оёғи остидадир" деган мазмундаги ҳикматли сўзларини яна бир бор эслаймиз ва меҳрибон, муқаддас Она сиймоси олдида барчамиз бош эгиб таъзим қиламиз.

Мана шу байрам кунларида ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонда қадрли опасингилларимизни эъзозлаш, уларни улуғлаш учун энг гўзал ва олижаноб таърифларни келтиришга интиламиз. Шу ўринда мен аёлларимиз шунга ишонишларини истардимки, айни мана шу 8 март байрами келиши билан биз ҳаммамиз шоир бўлиб кетишга тайёрмиз. Албатта, шоирга айланиш жуда қийин, лекин мен юртимизнинг барча мард ўғлонлари номидан аввало сиз, азизларга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдириб, қалбларингизда неки эзгу ниятлар, орзу-интилишлар бўлса, уларнинг барча-барчаси албатта ижобат бўлишини, рўёбга чиқишини чин юракдан тилайман.

Бугун биз энг самимий дил сўзларимизни сиз, азизларга йўллар эканмиз, таъкидлаш жоизки, биз муҳтарама оналаримиз, опа-сингилларимизни, умр йўлдошларимизни ҳамма вақт ҳам ҳурмат қилиб келганмиз, лекин уларнинг биз учун нақадар қадр-қимматли, жондан азиз ва меҳрибон эканини англаш, уларни ҳар томонлама эъзозлаш мустақиллик йилларида янги босқичга кўтарилди.

Бундай қарашнинг сабаблари ҳақида гапирадиган бўлсак, айтиш керакки, мустақилликка эришганимиздан кейин бизнинг оилага, аёл зотига, умуман ҳаётга бўлган муносабатимиз бутунлай ўзгариб, тобора юксалиб бормоқда, ҳаётимизнинг маъно-мазмунига, асосий мақсадига айланмоқда.

Бу эса биз учун жуда муҳим бўлган бир фикрни, яъни "Ким эдигу ким бўлдик?", деган ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, демократик тафаккури, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини гўёки ойнадек акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намоён қиладиган халқ сифатида жаҳонда обрў-эътибор қозонади.

Униб-ўсиб келаётган болаларимизни, ёш авлодимизни мана шу руҳда тарбиялаб вояга етказсак, шак-шубҳасиз, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Шу маънода, айнан истиқлол даврида биз кўп нарсаларни худдики қайтадан кашф этгандек бўлмоқдамиз. Аёл — гўзал бўлса — олам гўзал, аёл бахтли бўлса — оила, бутун жамият бахтли бўлади, деган қараш онгу шууримизга чуқур кириб бораётгани ва бизнинг ҳаётий фалсафамизга айланаётганини ҳар томонлама англаб етмоқдамиз.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, аёлларимиз хонадонларимизда, маҳаллаларимиз, бутун юртимизда ҳар доим ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитининг, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт ўчоғининг энг кучли посбони бўлиб келган ва бугун ҳам ана шундай фазилатлари билан инсонни инсон, оилани оила қилиб келмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Биз ўтган даврда мамлакатимизда эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш йўлида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бир сўз билан айтганда, аёлларни жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш борасида қандай улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз ҳақида албатта барчангиз яхши хабардорсиз.

Бу ҳақда узоқ гапирмасдан, биргина ўтган йилнинг ўзида "Соғлом бола йили" дастури бўйича қилган ишларимизга қисқача тўхталадиган бўлсак, аввало, 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Шу билан бирга, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, истеъмол товарларини харид қилиш учун қарийб 215 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ва 57 миллиард сўмлик фоизсиз қарз маблағлари ажратилгани, спортчи қизларимиз учун 6 миллиард сўмлик спорт кийимлари бепул берилгани ҳам, ўйлайманки, аёлларимизга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий намунаси бўлди.

Мухтасар айтганда, биргина "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 4 триллион 795 миллиард сўм ва 260 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганининг ўзи, ҳеч шубҳасиз, бу борадаги фаолиятимизнинг кўлами ва миқёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Айни пайтда юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий ва ҳуқуқий савияси, ижтимоий фаоллиги тобора юксалиб бораётганини давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида, суд-ҳуқуқ тизимида, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар фаолиятида, умуман, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида яққол кузатиш мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизини аёллар ташкил этаётгани, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида юзлаб опа-сингилларимиз фаол иш олиб бораётганини қайд этиш ўринлидир.

Бугунги кунда хотин-қизлар ўзининг билим ва тажрибаси, профессионал малакаси ва маҳорати ҳисобидан кўпгина жабҳаларда етакчи мавқеларни эгаллаб келмоқда. Ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, илму фан, тиббиёт, таълим-тарбия, маданият ва санъат каби ўнлаб муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шу ўринда ҳаётда кўп бора ўз исботини топган бир фикрга эътиборингизни қаратишни истардим.

Фақат соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Фақат ақл-заковатли, маърифатли оналаргина комил инсонларни тарбиялашга қодир бўлади.

Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, мамлакатимизда хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган, узоқни ўйлаб, пухта ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил жорий этилаётган умуммиллий дастурларимиз бугунги кунда ўзининг улкан самарасини бераётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу ҳақда узоқ гапириш, кўп-кўп мисолларни олиб келиш мумкин, лекин мен фақатгина баъзи бир рақамларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Кейинги уч йил мобайнида мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, жами 110 та медални қўлга киритган бўлса, уларнинг 44 таси қизларимиз ҳиссасига тўғри келади.

Ёки санъат ва мусиқа соҳасида дунёнинг Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Қоҳира, Сеул, Деҳли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда 530 дан зиёд ўқувчи ва талабаларимиз ғолибликка эришгани ва уларнинг 240 нафарга яқини қиз болалар эканини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Кейинги уч йилда 1 минг 850 дан зиёд истеъдодли спортчи ёшларимиз халқаро мусобақаларда зафар қозонган бўлса, уларнинг 620 нафарга яқини айнан қизларимиз экани албатта ҳаммамизни қувонтиради.

Барчамизнинг суянчимиз ва таянчимиз бўлган фарзандларимизни, аввало, қизларимизни замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан турли жабҳаларда беллашувга қодир бўлган соғлом ва баркамол авлод этиб тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгини зарарли ғоя ва таъсирлардан ҳимоя қилиш йўлида сиз, жонкуяр опа-сингилларимизнинг фидокорона хизматларингиз учун ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак арзийди, албатта.

Шу гўзал байрам кунларида Ўзбекистон халқ шоираси, вафо ва садоқат куйчиси Зулфия таваллудининг 100 йиллиги бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланаётгани ҳам давлатимиз, жамиятимизнинг аёлларимизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромининг яна бир амалий намоёни сифатида бу йилги 8 март айёмининг моҳияти ва аҳамиятини, кўрку тароватини янада оширмоқда, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Қадрли опа-сингиллар!

Азиз ва гўзал қизларим!

Сизларни ўзингиз каби чиройли ва дилбар байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Фарзандларингиз ва яқинларингиз бахтига, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни



ЎзА сурати

Ватандек муқаддас, баҳордек гўзал

"Туркистон" саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

Мамлакатимизда аёлни улуғлаш, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, муносиб ҳаёт шароитини яратиш, оғирини енгил қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Зеро, жамият ҳаётининг турли жабҳаларини равнақ топтириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини юксалтириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда хотин-қизларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар 6 март куни Тошкентдаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардиохирургия мажмуаси, Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган Республика олимпия захираси спорт мактаби, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги "Хончорбог" маҳалла фуқаролар йиғинидаги аёллар маслаҳат маркази фаолияти мисолида мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини муҳофазалаш, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, болалар спортини ривожлантириш, хотин-қизларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш борасидаги эзгу ишлар билан атрофлича танишди.

"Туркистон" саройида шу куни Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, ижтимоий-иқтисодий, илм-фан, маданий-маърифий соҳаларда меҳнат қилаётган фидойи аёллар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

●○●●●●●●▶2

▽Сайлов – 2015

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг элчи Каетана де Зулуета раҳбарлигидаги кузатувчилари миссияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов комиссиянинг ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан ҳамкорлиги самарали ривожланаётгани ва бу ижобий натижалар бераётганини таъкидлади.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссиясининг ЕХҲТ расмий вебсайтида 24 феврал куни эълон қилинган якуний ҳисоботида Ўзбекистонда 2014 йилда бўлиб ўтган парламент сайлови юқори савияда ташкил этилгани, Марказий сайлов комиссияси ошкоралиқни таъминлаш ва жамоатчиликни сайлов ҳақида батафсил хабардор қилиш бўйича самарали ишларни амалга оширгани қайд этилган. Шунингдек, ҳисоботда Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг айрим тавсиялари инобатга олингани, сайловолди ташвиқоти ва овоз бериш тартиб-таомилларига тааллуқли янада аниқ қоидалар жорий қилингани таъкидланган.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси аъзолари Марказий сайлов комиссиясининг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида амалга оширилаётган ишлари билан таништирилди.

Миссия раҳбари, элчи Каетана де Зулуета айни пайтда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Фарғона ва Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётгани ҳақида маълум қилди. Миссия аъзолари сиёсий партиялар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари, шунингдек, вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказмоқда.

Учрашув давомида томонлар ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси фаолияти сайлов жараёнининг очиқлик ва ошкоралигини таъминлаш, уни халқаро стандарт ҳамда нормаларга мувофиқ ташкил этишга кўмаклашишига ишонч билдирди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

2015-yil 7-mart, shanba, № 31-32 (3537), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Оилада – оқшом

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан "Аёли қадрланган диёр" мавзуида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда Ватанимиз тараққиёти, турмушимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган, оилада, жамиятда илғор бўлган хотин-қизлар, фахрий аёллар иштирок этишди.

Аёли қадрланган диёр

Маълумки, мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, меҳнат фаолиятини оилавий юмушлар билан уйғун ҳолда олиб боришлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун барча шароитлар яратилган.

Муҳтарам Президентимиз доимо аёлларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шу боис мамлакатимизда аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, саломатлигини мустаҳкамлашга бутун жамият жалб этилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаб келмоқда. Бу ишларни кучайтириш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси қошида Хотин-қизлар Кенгаши, тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмаларида Хотин-қизлар комиссиялари фаолият кўрсатмоқда.

Улар томонидан ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада жамоа шартномалари орқали хотин-қизлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Жамоа шартномалари ва келишувларига аёллар манфаатлари ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга оид янги бўлим ва бандлар киритилган. Бу орқали аёлларимиз учун кўплаб имтиёз ва кафолатлар яратилган.

Масалан, бугунги кунда корхона ва ташкилотлардаги жамоа шартномалари орқали 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда ишлаётган болали аёлларга ҳам ойлик маошини сақлаган ҳолда, ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланмоқда. Хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти қўллаб-қувватланиб, касаба уюшмалари тизимидаги "Ишонч телефонлари" орқали бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилаётир. Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан меҳнат бозорида хотин-қизлар манфаатлари ҳимояланмоқда. Ишловчи аёлларнинг малакаси оширилиб, касбга йўналтирилаяпти, қайта ўқитилмоқда ва хавфсиз меҳнат шароити таъминланмоқда.

Биргина ўтган йили жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган 11 минг 266 нафар ёш онага 5 минг 114 та корхонада 3 млрд. 68,6 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги 2 минг 624 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 6 минг 446 нафар болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан турли ҳудудларнинг энг чекка туманларида хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилиб, улар бандлиги таъминланмоқда. Жумладан, ўтган йили касаба уюшмалари томонидан Навоий, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида хотин-қизлар учун 60 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, самарали фаолият юритаётган илғор ва фаол хотин-қизлар рағбатлантирилмоқда, ижтимоий ҳимояталаб аёллар қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, ўтган йили меҳнатда алоҳида намуна кўрсатиб, юқори кўрсаткичларга эришаётган фаол аёллар 198,5 млн. сўмлик эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Боқувчисини йўқотган, ногирон, «Саховат» уйларида яшаётган аёллар ҳолидан хабар олиниб, уларга 215,8 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Аёлларимизнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш мақсадида касаба уюшмалари томонидан 1 минг 960 нафар хотин-қизга 1 млрд. сўмликдан ортиқ электр маиший техника жиҳозлари берилди. Касаба уюшмалари тасарруфидаги санаторийларда кам таъминланган ва кўп болали оилалардан бўлган 408 нафар аёл бепул соғломлаштирилди, 217 нафар аёлга имтиёзли йўлланмалар берилди. Хотин-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Фахрий аёлларимиз ҳам доимий эътозда. Жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши бу ишларни янада кучайтирди. Хусусан, жамоа шартномалари ва келишувларига фахрий аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга оид меъёрлар киритилди. Бошланғич касаба уюшма қўмиталари қошида ташкил этилган "Фахрийлар кенгаши" томонидан пенсиядаги аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Кексаларни эъзозлаш йили Давлат дастури доирасида меҳнат фахрийлари бўлган ҳамда фронт ортида меҳнат қилган инсонлар, шу жумладан, аёлларни тизимдаги санаторийларда бепул дам олдириш ишлари бошлаб юборилди. Улар учун мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилмоқда.

— Аёлнинг кўнгли гулдан нозик, дея тўғри айтишган, — дейди меҳнат фахрийси Холида Ғаниева. — Йиллар давомида қилган меҳнатинг қадрланса, кўнглинг тоғдек кўтариларкан. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси уюштирган бугунги тадбир ҳам мен каби фахрий аёлларга кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Байрам сабаб неча йиллар кўришолмаган ҳамкасблар билан учрашиш, дийдорлашиш ҳам насиб этди. Кексалар улуғланган, кичиклар иззатда бўлган мамлакатимизга шундай байрамлар ярашади.

— Жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши бизни жуда қувонтирди, — дейди меҳнат фахрийси Мукаррам Муҳиддинова. — Айни пайтда нафақада бўлсак-да, ҳурмат кўрсатиб йўқлаб туришади. Айниқса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳар бир байрамда биз каби аёлларни эътибордан четда қолдирмайди.

Тадбирда мамлакатимиздаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган фахрий аёллар касаба уюшмалари томонидан рағбатлантирилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати

Эҳтиром



Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбек миллий академик театрида Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ҳамда бошқарма бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида "Аёл борки, олам мунаввар" байрами тадбири ташкил этилди.

Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, генерал-майор Мирсамад Адилов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Тешабоев ва Тошкент шаҳар ИИББ бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳмуд Якубовлар бугунги кунда аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрни, улар эришаётган ютуқлар аҳамияти ҳақида гапирди. Айниқса, аёлларнинг эркаклар билан бир сафда елкама-елка туриб хизмат қилаётганини фахр билан таъкидлашди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ИИББ ва унинг тизимида самарали меҳнат қилиб, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, юрт тинчлигини сақлашга муносиб ҳисса қўшаётган, касбига садоқати, матонати, хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиб, касбдошларига ўрнак бўлаётган ҳамда ички ишлар идораларида кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаётган 20 нафар ходима ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Байрам тадбирида намойиш этилган Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасининг "Кўнгил" спектакли кўпчиликка манзур бўлди.

Ўз мухбиримиз



ЎзА сурати

Аёлнинг ҳунари, маълумоти бўлгани яхши. Ахир, келажакда унга нималар аталгани маълум эмас-ку. Зеро, «Буни ҳаёт дейдилар...» ибораси бекорга айтилмаган.

Меҳнатнинг саодати

— Ҳаётда қоқилган кезларим ишга бўлган меҳрим туфайли яшашни севишда давом этдим,— дейди Ширин шаҳар Н-сонли ҳарбий қисм кутубхона мудираси Зулайҳо опа Қаршиева. — Айнан касбим менда инсоний фазилатларни тарбиялади, табиатимни ўзгартирди, иродали бўлишга ўргатди. Марди майдонлар билан ишлаш инсонни кучли қилишига амин бўлдим.

Қаҳрамонимизнинг бундай хулосага келиши бежизга эмас, албатта. У тақдир ҳукмига кўра ёлғиз ўғли тарбияси билан қолган кезлари меҳнат жамоаси, севган касби туфайли оёққа туриб, бошқалар билан тенгма-тенг яшашга куч топа олганини таъкидлайди.

Меҳнат жараёни, албатта, жамоадагиларга ҳам боғлиқ. Зулайҳо опа ишхонани «иккинчи уйим» деб атайди. Киришимли, ташкилотчи ва жонкуярлиги боис, ҳамкасблари ишонч билдириб, ҳарбий қисм бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислигига сайлашди. Мана икки йилки, жамоа манфаати, қувончи учун елиб-югуради. Шу билан бирга, Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси сифатида 12 нафар аёлга бош. Ишхонадаги фаолияти ўзи истиқомат қилаётган маҳалла ишларида фаол бўлишига ҳам халақит қилмайди. У «Оналар куйлаганда» номли танлов иштирокчиси ҳам.

Зулайҳо опа фарзандининг камолида ўз келажагини кўради. Ўғли ҳарбийлар сафида бўлишини дилидан ният қилади.

Озода МАМАДАЛИЕВА, "Ishonch" мухбири

Жарқўрғон туманидаги Қораёнтоқ қишлоғилик Севара Аҳмедова Тошкент шарқшунослик институтининг хитой филологияси факултетида таҳсил олди ва мураккаб хитой тилини, ҳатто лаҳжалари-ю, шевасигача синчиклаб ўрганди, магистратурада ўқиб, икки йилдан кўпроқ илмий иш билан шуғулланди.

Таржимон – тадбиркор

Бу унга ҳаётда асқотди. Сурхондарёлик ишбилармонлар хитойликлар билан ҳамкорлик шартномалари ўрнатишганида, Севара таржимон сифатида улар билан Хитойга борди. Баъзан ўзаро келишувлар битмай, ойлаб чўзилиб кетар, бундай пайтларда Севара фурсатдан фойдаланиб, маҳаллий аҳоли билан мулоқотда бўларди. Буни қарангки, кейинчалик унда ҳам тадбиркорликка ҳавас уйғонди. Ишни бошлашдан аввал бозор талабларини чуқур ўрганди.

Ниҳоят пайпоқ ишлаб чиқаришга жазм этди. Шу тахлит "Жарқўрғонзиё" хусусий корхонасига асос солинди. "Микрокредитбанк" Жарқўрғон туман филиали 68 миллион сўм миқдорида кредит ажратди. Севара унга ўз сармоясини ҳам қўшиб, Хитойнинг Чжечцян вилоятидан еттита ускуна келтирди. Хитойлик ҳамкорлар зарур технология билан бирга тажрибали муҳандис Ян Суанни ҳам Жарқўрғонга йўллашди. Жарқўрғон агросаноат касб-ҳунар коллежи битирувчилари Дилафрўз Ботирова, Саида ва Равшан Аллабердиева хитойлик мутахассисдан компютерлаштирилган ускуналарда пайпоқ тўқиш сир-асрорларини ўрганди. Пировардида турли мавсумга мўлжалланган пайпоқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Хом ашё таъминоти масаласида Тошкент тўқимачилик комбинати билан шартнома имзоланди. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни Термиз шаҳри, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Шўрчи туманлари бозорларида сотиш учун якка тартибдаги тадбиркорлар Ўрол Аҳмедов, Чиннихол Дўрмонова, Меҳринисо Ҳусанова ва бошқалар жалб этилди.

— Кунига 1400, ойига 40-45 минг жуфтдан пайпоқ тайёрлаяпмиз, — дейди С. Аҳмедова. — Ўтган йил 180 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ички бозорда сотдик ва 36 миллион сўм миқдорида соф фойда кўрдик. Шу пайтгача ижарада туриб фаолият юритаётган эдик. Яқинда шаҳар ҳокимлиги "Учқун" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ер ажратди. Эндиликда ўз биномизни қуриб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ниятидамиз.

Рустам ДАВЛАТОВ, "Ishonch" мухбири

Ватандек муқаддас, баҳордек гўзал

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизни модернизациялаш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, муносиб меҳнат, таълим, турмуш шароитларини яратиш билан боғлиқ ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қатор қонунлар, фармон ва қарорларда белгилаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида юртимизда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, миллий ҳунармандлик соҳаларида самарали ва фидокорона меҳнат қилаётган 13 нафар аёл Ўзбекистон Қаҳрамони олий унвонига мушарраф бўлди. Бу мамлакатимизда хотин-қизларни улуғлаш, уларнинг меҳнатини қадрлаш, аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишнинг юксак намунасидир.

Ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, онгу тафаккурини миллий ҳаёт тарзимизга ёт ва зарарли ғоялардан ишончли ҳимоялаш каби эзгу ишларда хотин-қизларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурлари ижросининг изчил таъминланиши натижасида шифо масканлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Қишлоқларда намунали лойиҳалар асосида замонавий уй-жойларнинг бунёд этилаётгани хотин-қизлар, оилаларнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, улар учун муносиб шароит ва имкониятларни яратишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, "Гўзаллик салони", модалар ателеси каби инфратузилмалар аёлларнинг оғирини енгил қилиш, янада кўркам ва латофатли бўлишидек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш, бандликни таъминлашга оид дастурлар ижроси самарасида аёллар, касб-ҳунар коллежларининг битирувчи қизлари учун минглаб янги иш ўрни яратилмоқда, ўз хусусий бизнесини бошлаш истагидаги хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Хотин-қизлар масалалари билан шуғулланадиган жамоат ташкилотлари ишини давр талаби асосида йўлга қўйиш, маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари, бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари каби тузилмаларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизлар қўмиталарининг «оила — таълим муассасаси — маҳалла» ҳамкорлиги тобора кучайиб, навқирон авлод тарбиясида яхши самара бермоқда.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида мўътабар онахонларга эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, табаррук ёшдаги инсонларнинг бой ва сермазмун, ибратли ҳаёт тажрибасидан ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришда кенг фойдаланишга доир амалий ишлар кўлами тобора ортмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 3 мартдаги қарори билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2015 йилги соҳибалари эълон қилинди. Тадбирда мазкур мукофотлар тантанали тарзда топширилди.

— Оналари шарафланган, қизлари ардоқланган шундай табаррук заминда яшаётганимдан беҳад фахрланаман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Ширин Раҳимова. — Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, Ватанимизнинг эртанги куни, порлоқ истиқболи учун масъулиятни чин дилдан англаш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар орасида борлигимдан бошим осмонга етди. Бу мукофот бошқа тенгдошларим қатори менга ҳам юксак масъулият юклайди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдорман.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар хотин-қизларни байрам билан қутлаб, мамлакатимизда аёл зотини улуғлаш, хотин-қизларга ҳурмат-эътибор кўрсатиш, ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш борасидаги эзгу ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Очерк

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, Турон фанлар академияси академиги Дилором Ёрматовани анча йиллардан бери биламан. Камтарин, камсуқум, билимдон...

Ёрда юрган

— Инсон ер фарзанди, кўкка етгулик иқбол кулганида ҳам, давлати ошиб-тошганида ҳам ерда юргани маъқул. Шунинг учун ҳам топган-тутганим, эришган ютуқларим билан кибрланишни ўзимга эп кўрмадим, ҳамиша қаторда юришга ҳаракат қилдим, — дейди у.

Опа давраларга қўшилса, гурунг кўр олади. У жаҳонгашта, тўлиб-тошиб кўрган-кечирганларидан сўйлайди.

— Бир гал Тибетга борганимда, Ҳиндистонга ҳам ўтдим, Кашмир тоғларида сайр қилдим. Айниқса, ўзимизнинг бобурзодалар қурдирган Турк боғи мени лол этди. «Беҳишт қаерда?» десалар, Кашмирдаги Турк боғини кўрсатгим келади. У шу қадар дилрабо, жозибадор, фусункорки... Капалаклар ўйнаб юрган ажиб гулзорлар, нафис баргли антиқа дарахтлар кўнгилни ром этмай қўймайди.

Дилором опа дунёнинг ярмини кезиб чиққан. Тез-тез эшитиб турамиз, гоҳ Америка, гоҳ араб давлатлари, гоҳ Россияга ёки бошқа хорижий юртларга кетган бўлади. Буларнинг бари машаққатли меҳнатлари ва изланишлари самарасидир. Самарқанднинг Жом қишлоғида униб-ўсган зийрак қизалоқ билимга жуда чанқоқ бўлиб, падари бузруквори, асл маънодаги педагог Ёрмат Саъдинов ва бошқа устозлардан катта ҳаёт сабоғини олди. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида ўқиди. Илм қилди, олима бўлди. Жаҳоннинг энг нуфузли мамлакатлари билим масканларида, жумладан, Қоҳира, Лондон университетларида, шунингдек, Истамбул шаҳридаги халқаро конференцияларда Ўзбекистон вакили сифатида қатнашиб, маърузалар қилди. Буюк Британиядаги кутубхоналардан бирида «Соя в голодном степе» номли мақоласидан шу ерлик олимлар фойдаланишаётганини кўриб, кўнгли бир газ ўсди.

Олимага ҳар жиҳатдан ҳавас қилсак арзийди. У ҳар сафар чет давлатларда бўлганида, нимадир янгиликни ўзиники қилиб олишга интилади. Масалан, Миср Араб Республикасига икки бор борганида ҳам уларнинг деҳқончилигини назардан четда қолдирмади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги билан ўхшашликни ҳис қилиб, ўстирилаётган ўсимликларни бир-бирига таққослади. Қайтаётганида баъзи уруғлардан олиб келди. Ҳинд чойини Ўзбекистонда ўстиришни орзу қилиб юрарди. Фалакнинг гардиши айланиб, Ҳиндистон сафари насиб этганида, Дилором опа чой плантацияларида бўлиб, буталарни обдон кўздан кечирди.

— Биз севиб истеъмол қиладиган чой маҳсулоти хориждан келтирилади. Агар уни ўзимизда етиштиришга эришсак, катта миқдордаги маблағ иқтисод қилинарди, — ширин хаёлларга берилади опа. — Ҳиндистондаги бир жиҳат мени жуда ҳайрон қолдирди. Шаҳар ва қишлоқлари айтарли озода эмас, бироқ экинзорларда бегона гиёҳ йўғ-а... Шунингдек, ҳосил

2015-yil 7-mart, shanba, № 31-32 (3537), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Жамиятда – фаол

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Зулайҳо Маҳкамова билан суҳбатимиз истиқлол йилларида хотин-қизларга, хусусан, қишлоқ аёлига яратилган шароитлар, имтиёзлар хусусида кечди.

Эъзозга муносиб

— Инсон ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашни, шукур қилишни билмоғи керак, — дейди З.Маҳкамова. — Бунинг учун эса ҳаракат қилиш ҳам талаб этилади. Мустақиллик ҳаётимизга улкан ўзгаришлар олиб келди. Буни биргина ўзбек аёлининг ҳаёти, турмуш тарзи, ижтимоий ҳаётда юксалган мавқеидан ҳам англаш мумкин. Бугунги ўзбек аёли, хусусан, қишлоқ хотин-қизлари 25 йил олдинги пахта далаларида қўли қаварган, машаққатли меҳнат билан тунни тонгга улаган, эмизикли фарзандининг беғубор болалигини офтобрўядаги беланчакда ўтказиб юборган, муттасил камситилиш ва ҳуқуқсизликни тақдир деб билган мазлума эмас. Юртбошимизнинг доимий меҳри, чексиз эътибори сабаб обод замонга етишган аёл хоҳ шаҳарда, хоҳ чекка қишлоқда бўлсин, замонавий ҳаёт кечирмоқда. Келажакка боғланган режалари ҳаракатлари билан уйғун келмоқда. Бунинг учун унда ҳамма шароит мавжуд.

Хусусан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларда уй бекаси учун ошхонадан тортиб ювиниш хонасигача — мукаммал шароит яратилган. Ўтган йили вилоятимизда қишлоқ жойларда яшаётган 770 дан ортиқ оила шаҳар шароитидан қолишмайдиган, таъбир жоиз бўлса, ундан-да аъло уй-жойга эга бўлди. Бу улуғ саъй-ҳаракат ортида одамларимизнинг турар жой шароитларини яхшилаш мақсадигина турибди десак, у қадар тўғри бўлмас. Турмуш ободлигини кўзлаб олиб борилаётган сиёсатдан яна бир мақсад юртдошларимизни янгича яшаб, янгича фикрлашга одатлантириш, пировардида, тинчлик-осойишталикни, Ватанимизнинг обрўсини халқаро майдонда янада мустаҳкамлашдир. Касаба уюшмалари ҳам бу борада ҳамиша елкадош. Жумладан, ўтган йили ташкилотимиз томонидан 136 нафар эҳтиёжманд аёлга маиший техника жиҳозлари туҳфа этилди. Натижада шунча оилада турмушда қулайлик вужудга келишига ҳисса қўшилди, шунча аёлнинг кир ёхуд идиштовоқ ювишга сарфланиши мумкин бўлган вақти фарзандига меҳр бериш, унинг уй вазифаларини бажаришига кўмаклашиш ёинки бироз ҳордиқ чиқариши учун сарфланиши мумкин.

Имтиёзлар борасида сўз юритар эканмиз, 50 фоиз ишчи-хизматчилари аёллардан иборат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилаётганлигини қайд этиш кифоя. Таҳлил қилиб кўрсак, бу имтиёз шунчаки тадбиркорлик эркинлиги эмас, омилкор халқимизнинг асрий анъаналарига мос саъй-ҳаракатдир. Собиқ тузум даврида юртдошларимиз ўз қўли билан яратган меҳнат маҳсулотларини бозорга олиб чиқа олишмаган. Бу ҳолат чайковчилик дея баҳоланиб, кишиларнинг яхши ҳаётга бўлган интилишлари доимий равишда буғиб келинган. Бугун эса хотин-қизлар уй шароитида, оиласи бағридан узилмаган ҳолда ҳунармандчилиги орқасидан шахсий бизнесини йўлга қўйишмоқда. Наманганнинг адрасу атласлари, Чустнинг турфа дўппилари, Уйчининг сўзанаю кашталари, Шаҳанднинг тилёрар қанду ҳолвалари имтиёзлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорларимизнинг саъй-ҳаракати маҳсулидир. Шунингдек, Наманганнинг замонавий костюм-шим, палтолари, оёқ кийим, трикотаж маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда ўз харидорини топиб улгурди.

Боғнинг кўрки гул билан бўлгани каби оиланинг бахти аёл биландир. Шу мақсадда комплекс уй-жойларда сервис хизмати ҳам намунали йўлга қўйилмоқда. Аввалари туман марказида ҳам ора-сира учрайдиган гўзаллик, соғломлаштириш салонларини ҳозир қишлоқдаги деярли ҳар бир маҳаллада учратишга кўзимиз кўникиб қолди. Шунингдек, таъмирлаш ва тикув цехлари, маиший техникаларни тузатиш шохобчаларидан иборат хизмат кўрсатиш комплекслари аёллар юмушини енгиллатувчи воситага айланди. Вилоятимизда хусусий тадбиркорларга тегишли 4000 га яқин бундай шохобчаларнинг фаолият юритаётгани аёллар юмушини енгиллаштираётир.

Қишлоқларда ҳам тренажёр заллари, стадионлар қурилаётгани, айниқса, таҳсинга сазовор. Вилоятимизда 52 та сунъий қопламали стадионлар мавжуд бўлиб, аёллар, шунингдек, яқинлари — турмуш ўртоқлари, фарзандларининг, саломатлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Ҳаётидан рози одамлар атрофни ҳам, ўзини ҳам ораста тутади. Бугун Наманганнинг қишин-ёзин гулга бурканган, чирой очган шаҳару қишлоқларини, ҳамиша дуогўй, сариштаси аёлларини кўриб, Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсат самарасидан хурсанд бўламиз. Биз ҳам бу маъмурчиликка ҳисса қўшишга ҳамиша камарбастамиз.

"Ishonch" мухбири
Дилдора РАҲМОНОВА
ёзиб олди.



Иродаси метин, қўли гул

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Қорағўппа маҳалласида яшовчи Мусаллам Эргашевани таниган-билганлар унга шундай таъриф беради.

Болалигида ногирон бўлиб қолган М.Эргашева тақдирнинг оғир синовидан тушкунликка тушмади. Аксинча, тикувчилик сирларини пухта ўрганди. У тиккан бежирим либосларга буюртмачилар қўпая бошлади. Шу тариқа, Мусаллам опа тумандаги энг моҳир тикувчилар қаторидан жой олди. Айни пайтда маҳалланинг кўплаб қизлари уни ўзларига устоз, деб билади.

Президентимиз фармонига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида у «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Суратда: *Мусаллам Эргашева.*

ЎзА фотомухбири
Алишер ИСРОИЛОВ олган сурат

Аёлга эҳтиром — шарқ халқлари, хусусан, ўзбек миллатига хос олижаноб фазилатлардан.

У билан гўзал олам

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тизимда фаолият юритаётган хотин-қизларнинг меҳнатини қадрлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Темир йўл тизимидаги корхона ва ташкилотларда қулай меҳнат шароити мавжуд бўлиб, ходимларнинг тиббиёт муассасаси ва дам олиш масканларида саломатлигини тиклаш учун барча имконият яратилган.

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан соҳада ишлаётган аёллар моддий рағбатлантирилди.

Жумладан, Урганч темир йўл масофаси, Урганч сигналлаштириш ва алоқа масофаси, Урганч Локомотив депоси ва Шовот темир йўл обод "ЧПК" бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳисобидан 159 нафар аёлга пул мукофотлари берилди. Шунингдек, байрам муносабати билан қўл тўпи, стол тенниси, 100 метр масофага югуриш, дартс бўйича спорт мусобақалари ўтказилиб, ғолиблар ва 192 нафар аёлга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

И.РАҲИМОВ,
Қўнғирот МТУ касаба уюшмаси ҳудудий қўмита раиси ўринбосари

«GM-Ўзбекистон»да

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати "GM-Ўзбекистон" автомобилсозлик қўшма корхонасида корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан байрам тадбири бўлиб ўтди.


Бир пиёла чой устида ташкил этилган байрамда турли маданий-маърифий ва кўнгилочар дастурлар ташкил этилди.

— Аёлларимизни ҳар қанча эъзозласак кам, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Мирфозил Олимов. — Ушбу тадбир доирасида уларга қувонч ва шодлик улашганимиздан жуда хурсандмиз. Корхонада ишловчи барча аёлларимизга байрам совғалари улашдик.

"Ораста қизлар", "Келин салом" ва "Сумалак сайли" сингари дастурлар ҳамда оромбахш қўшиқ ва рақслар йиғилганларга бир олам завқ улашди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
"Ishonch" мухбири

Марғилон шаҳридаги "Узумзор" маҳалласида яшовчи Ҳанифа буви Баннопова 104 ёшни қарши олди. "Нуроний" жамғармаси бўлинмаси вакиллари, маҳалла фаоллари, қариндош-уруғ, кўни-кўшнилар онахонни байрам билан қутлаш ниятида хонадонига тўпланишди.



104 ёшли момо

Ёшлик йиллари уруш даврига тўғри келган момо далада меҳнат қилиб, оғир қийинчиликларга бардош берди. Турмуш ўртоғи билан кўп йиллар умр кечириб, икки фарзандни элга қўшди. Қизи Муборакхон уй бекаси, ўғли Исроилжон тадбиркор. 7 невара, 4 чевара момонинг атрофида парвона.

— Аҳиллик, ҳамжиҳатлик, меҳр-муҳаббат бўлсагина оила мустаҳкам кўрғонга айланади, — дейди онахон. — Яхши ниятлар билан яшаш, одамларга эзгулик улашиш, меҳнат қилиш, энг муҳими, саломатликка эътибор қаратиш орқали инсон дунёда узоқ ва бахтли умр кечиради. Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, шу мўътабар ёшга етдим, мустақиллигимизнинг мусаффо тонгларини кўриш менга насиб этди. Президентимиз биз, кексаларга юксак ҳурмат-эътибор кўрсатаётир. Айниқса, 2015 йилни Кексаларни эъзозлаш йили дея эълон қилганида жуда севиндим. Илоҳим, Юртбошимиз соғомон, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Шоду хуррам кунлар суруридан баҳра олиб, элюртни дуо қилиб, эъзозу эътиборда яшаб келаётган Ҳанифа момо Баннопова фарзанду набираларини ҳозирги дориломон кунларнинг қадрига етишга, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этади. Ҳалол пешона тери эвазига топилган ризқу насиба баракотли бўлишини, доимий ҳаракатда бўлган кишининг тан-у жони соғлом бўлиб, узоқ умр кўришини ҳар қадамда таъкидлайди.

Шу куни момонинг хонадонида байрам дастурхони ёзилиб, онахонга эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

Телефон қўнғироғидан навбатчи ҳамшира ҳушёр тортди. Гўшакдан: «Алло, бу «Тез ёрдам»ми?» деган ташвишли овоз эшитилди. Зудлик билан беморнинг манзили дафтарга қайд қилиниб, навбатчи гуруҳга етказилди.

Меҳрга йўғрилган қалб

Тиббий ёрдам кўрсатиш гуруҳи «Иттифоқ» маҳалласида яшовчи Рашид бобо Абдуллаев хонадонига тезда етиб келди. Қарияни шамоллаш безовта қилар, бунинг устига қанд касали кучайиб, зўрға нафас оларди. Беморга дарҳол тиббий ёрдам кўрсатиш зарур. Олий тоифали ҳамшира Саида Одилова шифокор Нодира Муродова ёнида туриб тиббий асбоблар ёрдамида сунъий нафас олдириш чораларини кўрди. Қўшимча муолажалар ўтказилди. Секин-аста беморнинг аҳволи яхшилангач, барчанинг елкасидан тоғ ағдарилди.



Бундай воқеалар Саиданинг иш фаолиятида тез-тез учраб туради. У ҳар бир беморнинг дардига даво улашмагунча тиниб-тинчимайди, ором нималигини билмайди.

— Беморда тезроқ соғайишига ишонч уйғотиш жуда муҳим, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бу эса тиббиёт ходимидан ўз ишига масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Саида Одилова ўттиз тўрт йилдирки Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 7-поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлайди. Олий тоифали ҳамширалар Улфатой Дўстонова, Мавжуда Ҳаётова ва Зумрад Умарқулова билан биргаликда, турли жароҳатлар олган, наркоз таъсиридаги беморнинг аҳволини яхшилаш, асабийлашишининг олдини олишга ёрдам беради. Бунинг учун эса поликлиникада замонавий УТТ, ЭКГ, юрак иш фаолиятини текшириш, сунъий нафас олдириш ҳамда наркоз бериш асбоб-ускуналари мавжуд.

Тиниб-тинчимас ҳамшира поликлиника касаба уюшмаси ва хотин-қизлар қўмитаси фаолларидан. Ўқув ишлари йўриқчиси сифатида ишга янги қабул қилинган ҳамшираларга устозлик ҳам қилмоқда. Шунингдек, у «Оғир беморларни парвариш қилиш», «ОИТС ва унинг профилактикаси», «Ҳамшираларнинг этика ва деонтологияси» каби мавзулардаги маърузалари билан тадбирларда фаол иштирок этади. «Ҳамшира ҳаёти» деворий газетасини тайёрлашда қатнашади.

Турмуш ўртоғи энергетика соҳасида хизмат қилади. Бир-биридан ширин уч ўғил-қизи бор. Ишдан чарчаб келган вақтлари бадиий асарлар ўқиб, енгил тортади, ҳаётга бўлган муҳаббати янада ошади.

Президентимиз Фармонига асосан мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида ҳамшира Саида Одилова «Шуҳрат» медали билан мукофотланди. Бу унинг соғлом авлодни вояга етказиш ҳамда ёшларни соғлом турмуш тамойиллари руҳида тарбиялаш борасидаги ишларига берилган баҳо десак янглишмаймиз.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Одамлар

йиғиб олинганининг эртасигаёқ ерлар шудгорланар экан, буни кўриб, ҳинд деҳқончилик маданиятига ҳурматим ошди.

Ҳа, у бекорга қишлоқ хўжалиги соҳасини танламаган. Унинг болалиги осмонга туташ бепоён далалар, сарҳадсиз қирлар қўйнида, қўй-қўзилар орасида кечган. Буғдой, кунжут, тарвуз ва қовун уруғлари қадалаётган кезларда пайкал бошида катталар ҳаракатини кузатиб турар, бу жараён унинг мурғак қалбида адоқсиз фикрлар, орзу-ҳаваслар уйғотарди. «Қишлоқ хўжалиги тизими хотин-қизлар учун машаққатли» дегувчилар бўлди. Аммо у бу гапларга эътибор қилиб ўтирмади. Олийгоҳни тугатгач, соҳа дарғаларидан бири профессор Е.П.Гореловга шогирд тушди.

— Умримнинг 25 йили устозим ёнида кечди. У ўта қаттиққўл, шунинг билан бирга, ниҳоятда меҳрибон ва шафқатли ҳам эди, — дейди Дилором опа. — Биз шогирдлар ундан ишлаш ва яшаш тарзини ўргандик. Илмий изланишларимиз жараёнида, кўп қийналганмиз, лекин у ютуқларимиздан биздан-да кўпроқ суюнарди.

Илм игна билан қудуқ қазиш, машаққатли меҳнат бўлиб, қатъиятли, фидойи инсонларгина бундай юмушни тақдир деб билади. Дилором опа шундайлар сирасидан. У қовун ўсимлиги касалликларига сидерат ўсимликлар таъсири натижасида юзага келадиган қарши кураш усулларини ўргандди ва шу мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади. Устози унга 1933-35 йилларда экилган ва Ўзбекистон иқлимига номуносиб деб нотўғри хулоса чиқарилган соя ўсимлиги агротехникасини ўрганишни таклиф этганида, бу истакни дарҳол илғади. 17 йил мобайнида республика далаларини қадамба-қадам кезиб чиқди ва соя ўсимлигининг Ўзбекистон ерларида гуркираб ўсиши мумкинлигини, ҳатто (бир гектардан олинган оқсил миқдорига кўра) барча дон экинларидан устунлигини исботлади. Бу ҳақда ўндан зиёд шаҳарларда бўлиб ўтган илмий конференцияларда маърузалар қилиб, сояшунос олимларнинг олқишига сазовор бўлди ва кейинроқ соя ўсимлиги бўйича 3 та монография яратди. Олиманинг саъй-ҳаракатлари зое кетгани йўқ. Айни пайтда бу ўсимлик далаларимизда етиштирилиб, мўл ҳосил олинмоқда. Дилором опа эса илмий жиҳатдан юксалиб, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор даражасига етди. Шу билангина чекланиб қолмасдан, мойли экинлар устида жиддий изланишлар олиб бораётир. Жумладан, зайтун ёғи экологик жиҳатдан тоза бўлиб, энг сара мойлар сирасига киради. Аммо Ўзбекистонда зайтун у даражада қадрланмайди. Опанинг фикрича, бу масалага жиддий эътибор қаратиш лозим. Далаларимизда етиштирилаётган буғдой унинг таркибида клейковина моддаси камлиги туфайли нон маҳсулотлари айтарли сифатли чиқмайди. Шу сабаб ҳамон хориждан муайян миқдорда ун ва дон маҳсулотлари олиб келишга мажбур бўляпмиз. Аммо илм аҳлининг изланишлари бесамар кетмаяпти.

— Илмий-тадқиқотлар натижаси ўлароқ юмшоқ буғдойнинг «Келажак» навини яратишга муваффақ бўлдик, — дейди у. — Ушбу нав таркибидаги клейковина моддаси 38 фоизни ташкил этади. Ўтган йил Андижон вилоятининг «Оқ сув» фермер хўжалигида ушбу нав ерга қадалиб, супер элита уруғи олинди. Эндиликда уни республика далаларига экиш бўйича кенг фаолият юритиляпти. Бундан ташқари, макарон маҳсулотлари учун қаттиқ буғдой нави яратиш устида ҳам илмий изланишлар олиб бориляпти.

Умрлар борки, бир оний лаҳзаси асрларга татигулик. Бетакрор мисралар яралган ёки кашфиёт сурури насиб этган дақиқалар асрларга арзигулик эмасми?.. Эҳҳе, кўкси тоғдек юксалиб, севинчдан боши кўкка етган кунлар Дилором Ёрматова ҳаётида кўп бўлган. 2000 йилда касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун ёзилган 14 номдаги махсус дарсликлари қайта-қайта чоп этилаётир. Олий ўқув юрти талабаларига мўлжалланган қишлоқ хўжалиги ва биологияга оид 6 номда, экологияга доир 8 номда дарслик, донли экинлардан буғдой ҳамда зайтунга бағишланган 6 та монографияси ҳам дунё юзини кўрди.

Эътибор берганмисиз, иқтидорли кишилар жуда серқирра бўлади. Бир учрашувимизда Дилором опа ўзи ёзган «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасини қўлимизга тутқазганида, ҳанг-манг бўлиб қолганмиз. «Юсуф ва Зулайҳо» афсонаси асосида шоир Рамз Бобожон достон ёзганини билардик, аммо аллома опамизнинг насрий асарга қўл урганидан хабаримиз йўқ эди.

— Бу севишганлар афсонаси авлодлардан авлодларга ўтиб келяпти. Муҳаббат ҳар кимнинг ўзигагина хос кўнгил мулки. Мен китобимда Зулайҳонинг ички оламига киришга уриндим. Адабиёт менга бегона эмас, у қонимда, жонимда. Бу меҳрнинг илдизи отамдан мерос. Ҳаётимда қувончли, изтиробли кунларда ҳамиша қўлга қалам олганман. Нимадир ёзганман, шеърми, бошқами, масалан, мана бундай...

Дунё йўлларингда битта дарвешман,
Қўлларида ирғай асо ушлаган.
Дўланага қўниб турган бир қушман,
Тумшуғида буғдой дони тишлаган.
Борар қўнғироқли қўзи, улоқлар,
Еганлари тиканмикан, гулмикан.
Бир жонимга кўпдир шунча ситамлар,
Севги деганлари асли шулмикан?

Шарофат НОРҚУЛОВА,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 7-mart, shanba, № 31-32 (3537), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзимизники

Қувонмай бўладими ахир! Саноқлигина давлатлар автосаноати қаторида бугун бизнинг автоуловларимиз ҳам савлат тўкиб турибди. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси билан бозорга чиқарилаётган енгил, юк ва йўловчи ташишга мўлжалланган замонавий транспорт воситаларига талаб кундан-кунга ошиб бораётир. Тармоқ ривожида "Самарқанд автомобил заводи" жамоасининг ҳам муносиб улуши бор, албатта.

САМАРҚАНДДАГИ ГИГАНТ КОРХОНА



2006 йилда Япониянинг "Isuzu" компанияси билан ҳамкорликда янги қувватли автомобиллар, даставвал икки турдаги мидибуслар ҳамда ўртача юк кўтариш қувватига эга бўлган уч турдаги автотранспорт воситаларига қўл урилди. Орадан бир йил ўтиб эса оғир юк ва ағдарма машиналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Аввалги мазкур техникаларнинг оддий бир мурватигача четдан олишга мажбур эдик. Маҳаллийлаштириш дастурига изчил амал қилинганлиги боис бутловчи қисмларнинг аксариятини шу ернинг ўзида тайёрлашга эришилди. Модернизация, техник ва технологик жиҳозланиш муваффақиятларга омил бўлди. Айни чоғда кўп тонналик автоматлаштирилган преслаш ускунаси, рақамли дастур асосида бошқариладиган автобус ва юк машиналарининг кўпгина қисмларини тахлаб берадиган майдалаш, кесиш, преслаш, қолиплаш, бўяш ва қуритиш ускуна-камералари бенуқсон ишлатилаётир. Замонавий, стандартларга тўла жавоб бера оладиган автоулов кимга манзур бўлмайди дейсиз? Завод лабораторияси дарз кетган қисмларни тезда аниқлайдиган ускуна билан жиҳозланиб, унинг кўмагида кузов ва деталларнинг чидамлилиги, зичлиги талаб даражасида бўлиши таъминланмоқда.

Фаолиятининг илк йилларида мингтагача ана шундай транспорт ишлаб чиқарган корхонада бу кўрсаткич ҳозир уч баробардан кўпроққа оширилди. Йилига тўрт мингта автоулов! Қолаверса, малакали мутахассислар авлоди шаклланди. Ишлаб чиқариш юксалиши боис иш ўринлари кенгайтирилди. Масалан, 2012 йилда 941 киши фаолият кўрсатган бўлса, жорий йилга келиб улар сафи яна 53 нафарга ортди.

Изланиш автомобил заводи жамоасига муваффақият келтираётир. 2011 йилдан сиқилган табиий газда ишловчи двигателлар ўрнатилган автомобиллар ишлаб чиқарила бошланди. Кўриниб турибдики, ғуруримиз бўлган соҳа замон билан ҳамоҳанг қадам ташламоқда. Яқинда сиқилган табиий газ билан ҳаракатланадиган йигирма мингинчи автобус ишлаб чиқарилди.

Яна бир гап. Корхона 2014-2015 йилларда сиқилган табиий газ билан ишловчи мингдан зиёд чиқинди ташиш автомобиллари учун буюртма олган. Айни чоғда табиий газ билан ҳаракатланадиган двигателли уч хил кузовга эга автомобиллар — фургон, бортли ва ўзи ағдарувчи транспорт воситалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шунингдек, мазкур корхона ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001 стандартларига жавоб берувчи халқаро сертификатларга эга.

— Ўзбекистон дунёда автомобил саноати жадал ривожланиб бораётган давлатлардан бири. Ҳамкорликда ишлаб чиқараётган автомобилларимиз дунё стандартлари талабига тўла жавоб бера олаётганидан беҳад мамнунмиз. Бу "Isuzu" компанияси вакилининг 20 минггинчи автомобил тақдимотига бағишланган тадбирдаги эътирофи.

Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти саъй-ҳаракати боис ишлаб чиқариш билан боғлиқ тасодифлар олди олинаётир. Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, техника хавфсизлиги қонун-қоидаларини ходимлар онгига сингдириш борасида маблағ ҳам, вақт ҳам аямайди. Бир неча йилки, хавфсиз иш ўринлари яратиш борасида соҳа корхоналари орасида намуна бўлиб, 2013 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган танловда "Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона" деб топилди. Шунингдек, тармоқ корхоналари орасида "Марофон — 2013" спорт мусобақаларида пешқадамлик қўлга киритилди. Қолаверса, тармоқдаги "Энг намунали бошланғич касаба уюшма ташкилоти" танлови ғолиблиги ҳам насиб этди.

Корхона маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолиятида бундай ютуқлар оз эмас.

Шу ўринда, автомобил заводида меҳнат қилаётган уч нафар мутахассисдан иборат гуруҳ Японияда бўлиб ўтган "Халқаро техниклар" танловида дунёнинг бир қатор давлатлари орасида фахрли ўринни эгаллаганлигини қайд этиш жоиз.

— Заводимизда меҳнат қилаётган ходимнинг нафақат моддий манфаатдорлиги, балки унинг оила аъзолари саломатлигига ҳам эътибор қаратганмиз, — дейди Самарқанд автомобил заводи касаба уюшма қўмитаси раиси Саидаҳмат Сангиров. — Ишлаб чиқариш суръатини ошириш, иш унумдорлигини таъминлашга ҳар бир ишчи руҳан тайёр бўлиши керак. Шу боис ходимлар иштирокида тез-тез спорт мусобақалари ташкил этилади. Бундай тадбирларда уларнинг оила аъзолари ҳам иштирок этади. Турли маданий тадбирлар, ходимга руҳий қувват беради, албатта.

— Мустақиллик шарофати билан шундай замонавий корхоналарда ишлаш бизга насиб этди, — дейди "Дўстлик" ордени соҳиби Алишер Қобилов. — Инсонга меҳнатининг маҳсулини кўриш, унинг одамлар ҳаётида, турмушида асқотаётганини ҳис қилишдан ҳам ортиқ бахт бўлмаса керак.

Завод маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти "Касаба уюшмалари болаларга" акцияси доирасидаги тадбирларнинг фаол иштирокчисига айланди. Ушбу акция доирасида корхонада меҳнат қилаётган 34 та эҳтиёжманд оила фарзандлари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, 5 нафар камҳарж 3 ёшгача фарзанд тарбияси билан машғул аёлларга ижтимоий кўмак кўрсатилди.

Мавзудан чекинмаган ҳолда бир мисол. Туманларда фаолият юритаётган тармоқ туман кенгашлари бир йил мобайнида ўрта ҳисобда 40-60 нафар атрофидаги меҳнаткашлар мурожаатини кўриб чиқаётган бир шароитда мазкур бошланғич ташкилотга 2013 йилда 362 та, 2014 йилда 407 та ариза ва мурожаатлар қабул қилинган.

Эътиборли жиҳати, меҳнаткашларнинг ҳар бир мурожаати маъмурият билан биргаликда ижобий ҳал этилган.

Корхонада маданий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказиш анъанага айланган. Биргина ўтган йилда ана шундай тадбирларни ташкил этиш учун 46 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Мазкур тадбирнинг ходимлар гимнастикасини амалиётга жорий этиш, саломатликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти беқиёс.

Бир сўз билан айтганда, жамоа меҳнати билан яратилаётган, кенг ва равон кўчаларимизга ярашган замонавий, ихчам автобуслар халқимиз узоғини яқин қилмоқда. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида "Isuzu" автобусларини учратиш мумкин. Аҳил жамоа эса мазкур транспортни янада такомиллаштириш, афзал жиҳатларини кўпайтириш ва сифатни ошириш мақсадида тинмай изланаётир.

Нурилла ШАМСИЕВ,
"Ishonch" мухбири

Обод юрт манзаралари

ШАКАРКЕНТНИНГ ЖИЛОСИ

Вобкент туманидаги Шакаркент қишлоғи... Бундан 20-25 йиллар илгари ушбу гўшада бўлган киши, ўйлаймизки, унинг бугунги қиёфаси, аҳолининг турмуш даражаси, яратилган шарт-шароитларни кўриб, ҳайратланса ажаб эмас. Шакаркент шу ном билан аталувчи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 7 қишлоқнинг бири. Уларнинг қай бирига борманг, замонавий тураржой, равон йўллар, сервис хизмати кўрсатувчи субъектлар, таълим-тарбия даргоҳлари, спорт майдонларига кўзингиз тушади. Далаларига қут-барака ёғилган. Кўп тармоқли фермер хўжаликларида йил сайин мўл-кўл пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Қишлоқларни кезиб, одамлар билан суҳбат асноси кўнглимизга нур инди. Улар осойишта ва фаровон ҳаётдан миннатдорлик изҳор этди. Биз тиниб-тинчимас ташкилотчи, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган МФЙ раиси Мансур Холов билан учрашдик.

Раис эътироф этганидек, маҳаллада мавжуд 802 та хонадонда 4 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Оилалар аҳил ва иноқ. Шу туфайли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари мунтазам эътиборда. Нуфузли кўрик-танловларнинг бирида Мансур Холовнинг "Энг осойишта ва обод маҳалла раиси" номинациясида ғолиб деб топилгани бежиз эмас. Маҳаллада фаолият кўрсатаётган 5 та асосий сектор, яъни "Оилага кириш", "Саломатлик", "Бандлик", "Таълим ва тарбия" ҳамда "Жиноятчилик профилактикаси" ишнинг бугунги талаб даражасида ташкил этилиши, юзага келган камчилик ва муаммоларнинг ўз вақтида ечим топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгани ҳудудда бунёдкорлик ишларининг ривож топиши ҳамда қўшимча иш ўринлари яратилишида асосий восита саналмоқда. Жумладан, тадбиркор Насрилло Файзиев хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этган. Дилмурод Ҳалимовнинг токарлик ва газэлектрпайвандлаш устахонаси бор. 5 кишини иш билан таъминлаган Убайдулло Умаров (суратда) мебел цехи очиб, стол, стул, ошхона жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Эндиликда у банк кредити ҳисобига Италия ва Германиядан келтирилган технологиялар туфайли маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини янада яхшилаш ҳамда иш ўринларини кенгайтириш чораларини кўрмоқда. Дурадгор Баҳодир Жафаров эса ўз касбини ардоқлаш билан бирга 200 оила асаларини ҳам парваришлаётир. Бундай қишлоқ тадбиркорлари рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Маҳалла аҳолиси шахсий томорқадан фойдаланишда ҳам ўзига хос тажрибага эга. Етиштирилган маҳсулотлари Вобкент, Бухоро, Ғиждувон, Когон каби шаҳар ва туманлардаги деҳқон бозорларининг тўкинлиги, арзонлигини таъминлашда муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётир.

Ҳозирда маҳалла хонадонларининг 200 дан ортиғида иссиқхона мавжуд. Абдуаҳад Афзалов, Собир Шодиев, Аср Шарипов сингари миришкор деҳқонлар 50-100 минг тупдан помидор, бодринг, карам, булғор қалампири, бақлажон кўчатлари ўстириб, бозорга чиқармоқда. Шунингдек, ҳудудда лимон ва лимон кўчатлари етиштириш, қорамолчилик, балиқчилик ва парандачиликни ривожланти-



риш, асалари уяларини кўпайтириш каби қўшимча даромадли соҳаларга ҳам қизиқиш катта.

Сўнгги йилларда нафақат Шакаркентда, балки маҳалланинг барча қишлоқларида, айниқса, Роме, Халач аҳоли пунктларида ҳам ободончилик, бунёдкорлик ишлари авж олиб, намунавий уй-жойлар сони йил сайин ошмоқда. Қишлоқларда тикиш-бичиш цехлари, гўзаллик салонлари, сартарошхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахоналари, маиший хизмат уйлари, мебел цехлари, ошхона, пайнет, маиший хизмат устахоналари, новвойхона каби шохобчалар, спорт майдончалари сони тобора кўпаяётгани кишини қувонтиради.

Маҳалладан қайтарканмиз, бир гуруҳ қишлоқ ёшларига дуч келдик.

— Булар бизнинг фахримиз, — изоҳ берди М.Холов. — Лобар Шодиева давлат гранти асосида Франциядаги нуфузли олий ўқув юртини битириб келди. Мадина Ваҳобова эса Корея университетида таҳсил олмоқда. Қора белбоғ соҳибаси Азиза Ражабова эса икки карра Осиё чемпиони, унинг шогирдлари Нилуфар Абдукаримова ва Гулноза Каримова Ўзбекистон чемпионатларининг олтин ва кумуш медалларига сазовор бўлишган. Бизнинг тенгдошларимиз уларнинг ёшида қишлоқдан нарини билмасди. Ҳозирги ёшлар эса жаҳон майдонида мамлакатимиз шон-шуҳратини кўтариш нияти билан яшаяпти. Бу ўзгаришларни мустақиллик шарофатидан деб баралла айтишга ҳақлимиз.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

Ўқув-семинар

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати, Тошкент шаҳри ҳамда вилояти бўйича бошқармалари кадрлар бўлими бошлиқлари ва ходимлари учун "Халқаро меҳнат стандартларини татбиқ этиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш" мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди.

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси юридик бўлими мудири Диёрбек Кимсановнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаевнинг халқаро меҳнат стандартларига оид маърузалари тингланди. Шунингдек, касаба уюшмалари ҳамда Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги ҳамкорликнинг ўтган даврдаги натижалари эътироф этилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Ўқув-семинар давомида иштирокчилар ҳуқуқий, меҳнат ва ижтимоий муҳофазага доир маълумотларга эга бўлишди.

Тадбирда томонларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

Касаба уюшмалари: кеча, бугун, эртага

МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИНИ

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари

— Ўктам Тургунович, суҳбатимиз мавзуи тизимда юз бераётган ўзгаришлар сиз раҳбарлик қилаётган тармоқда ўз ифодасини қандай топаётгани хусусида, албатта. Лекин кўпни кўрган, нуфузли идораларда масъул лавозимларда кўп йиллар фаолият кўрсатган инсон сифатида аввал шуни айтинг-чи, касаба уюшмаларида ишлаш осон эканми ёки...

— Назаримда ишлаб ўрганган одамга у қадар қийинлиги йўқ, аммо осон деган фикрдан ҳам йироқман. Кўрганларим ва билганларимдан келиб чиқиб, шуни айтишим мумкинки, касаба уюшмалари ўзи белгилаб олган йўналишлар доирасида ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларни ҳимоя қилиш билангина кифояланиб қолмай, одамларнинг турмушига илиқлик олиб кирувчи ташкилотга ҳам айланиб боряпти.

Ҳозирги касаба уюшмасини бундан беш йил илгарисига қиёслаб бўлмайди. Табиийки, ишлаб чиқариш ва ходимларга етарлича шароит яратиб бериш, меҳнат муҳофазаси каби масалалар ҳамон биринчи ўринда — уларга эътибор кучайса, кучайдики, сира камайгани йўқ. Эндиликда ижтимоий ҳимоя яна ҳам кенгроқ кўлам касб этиб, ходимлар оила аъзоларини соғломлаштириш, яъни фарзандлар бўладими, ота-она бўладими, эр ёки хотин бўладими, касаба уюшма ташкилотлари эътибор қилиши зарур бўлган таркибий вазифалар сирасига киритилди ва бундан кўзланган мақсад битта — токи, ҳар бир ходим нега ишлаётганини, кимлар учун ишлаётганини билсин, касбига, иш жойига бўлган меҳри янада юқорироқ поғонага кўтарилсин! Уй-жойидан, оиласидан кўнгли хотиржам одам қанчалар шижоат билан меҳнат қилишини эса, ҳаммамиз яхши биламиз.

Агар касаба уюшма етакчиси ана шу имтиёзлар самарали меҳнат учун берилган рағбат эканини ўз аъзоларига уқтириб, уларнинг кайфияти ва руҳиятини кўтаришнинг уддасидан чиқа билса, ўйлайманки, у зиммасидаги мажбуриятнинг энг муҳимларидан бирини бажарган ҳисобланади. Бунинг эса бир неча шартлари бор: соғлом фикр, ҳалоллик, маданият ва албатта, ўзи фаолият юритаётган тармоқ хусусиятини яхши билиш ва яна зарур бир жиҳат, бу — кўпчилик билан ишлаш тажрибаси. Ушбу талабларга лаёқати бор одамнинг соҳага киришиб кетиши осон кечади.

Қийинлиги шундаки, сиз кунда турли масалалар, ҳуқуқий савол-жавоблар, ечимини зудлик билан топиш лозим бўлган муаммоларга дуч келасиз. Ҳар қандай вазиятга тайёр туриш, дейлик, тез, ўша жойнинг ўзида ҳал қилиб бўлмайдиган масалаларнинг нега кейинга қолдирилаётгани сабабларини кўнгил оғринмайдиган даражада тушунтира билиш керак бўлади.

Маълумки, корхона, ташкилот, муассаса раҳбари олдига аниқ-равшан вазифа қўйилади: белгиланган маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш, тегишлича солиқ тўлаш ва ҳоказо. Касаба уюшма етакчиси эса... Бу ишлар ўз бошимга тушгач, умуман фикрим ўзгарди. «Инсонга наф келтириш — олий бахт» деган шиор бекор эмас экан. Масъулияти ниҳоятда катта, буни нафақат касаба уюшма етакчилари англаб етиши, оддий аъзолар ҳам ўз ҳаётлари мобайнида ич-ичидан ҳис қилиши керак.

— Бош мақсад ва устувор масала — касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя-лаш бўлган ташкилотда биринчи масала ва муаммолар ечимига йўл, бу кадрларни жой-жойига қўйишдан бошланади. Шундай эмасми?

— Назаримда, бу ҳақда юқорида ҳам муайян даражада сўз юритилди. Дарҳақиқат, кадрлар масаласи долзарблигига кўра биринчи навбатда ҳал қилинадиган масалалар сирасига киради. Айнан шуни инобатга олган ҳолда, тармоқ тизимида иш берувчилар билан ижтимоий шериклик тамойиллари асосида мулоқот олиб бора оладиган, ҳар томонлама билимга эга бўлган кадрлар потенциалини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича узлуксиз иш олиб борилмоқда, кадрларни ўқитиш ва малакасини оширишга ҳар қачонгидан жиддий эътибор қаратилмоқда.

Касаба уюшма етакчиси, биринчи навбатда, сергайрат, бошлаб қўйган ишини охирига етказмагунча тиниб-тинчимайдиган ва бошқаларга ҳам, ижобий маънода тинчлик бермайдиган омилкор шахс бўлиши даркор.

Айтганларим қуруқ гап бўлиб қолмаслиги учун бир мисол келтирмоқчиман. Куни кеча «Қамчиқавтойўл» касаба уюшмасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Жамоа шартномаси муҳокама қилиниб, томонларнинг фикри эшитилди. Оғир вазиятда — қишда совуқ, ёзда жазирамада, боз устига вахта усулида меҳнат қилинаётгани ҳисобда аттестация ўтказиш лозим, деб ҳисоблайман. Бу, аввалambор, корхоналарда асосий ишдан озод этилган касабақўм раислари ва тизимдаги ёлланма ходимларга тегишли бўлиб, шу тариқа «куним ўтса бўлди» қабилидаги фикрлашларга барҳам берамиз.

— Намунали туман кенгашлари... намунали бошланғич ташкилотлар... Тизимда сифат ўзгаришини кўзлаб бошланган ушбу саъй-ҳаракатларнинг дастлабки натижалари ва юзага келган таассуротлар ҳақида қандай фикр-мулоҳазалар билдириш мумкин?

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2012 йил 23 февралдаги «Туман кенгашлари, бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятлари намунали тарзда олиб борилишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тармоқ касаба уюшмасининг «Бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятлари намунали тарзда олиб борилишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди ҳамда июн ойидан бошлаб иккинчи босқичга ўтилди ва ҳар бир вилоятда 3 тадан ташкилот фаолияти Республика кенгаши мутахассислари ҳамда масъул ташкилотчиларнинг амалий ва услубий ёрдамлари билан намунали йўлга қўйилди.

Бир қарашда «намунали» деган сўз баландпарвозликдек туюлса-да, аслида бу, таъбир жоиз бўлса, бурунни ерга ишқаб ишлабгина эришиладиган анчайин меҳнатталаб жараён эканлигини, ўйлайманки, бугун ҳамма кўриб-билиб турибди. Шундайки, муайян тушунча ҳосил қилиш ва йўл-йўриққа эга бўлиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Наманган, Фарғона, Тошкент, Андижон, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда бошланғич ташкилотлар раислари, ғазначилари, касаба уюшмаси фаоллари иштирокида ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Муайян фурсат ўтиб, илк натижалар таҳлилидан сўнг фаолиятлари намунали йўлга қўйилган бошланғич ташкилотлар ишини оммалаштиришни кўзлаб, 2013 йилнинг август ойидан учинчи босқичга ўтилди. Ва шу аснодан бошлаб, вилоятларда ташкил этилган 3 та намунали бошланғич ташкилотга яна 3 та намунали бошланғич ташкилот бириктирилиб, 6 та намунали ташкилот ташкил этилишига эришилди.

Спортда «оммавийликдан — маҳорат сари» деган ибора бор. Маҳорат эса, маълум вақтдан кейин оммавийлик ўзанини янада гавжум қилади. Биз буни ўз мисолимизда кўрдик: фаолиятини намунали ташкил этган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида Республика кенгаши ташаббуси билан «тескари пирамида» формуласи бўйича вилоятлардаги мавжуд 6 тадан намунали ташкилот фаолияти 168 та бошланғич ташкилотга татбиқ этилиши белгилаб олинди. Бугина эмас. Бошланғичлар фаолиятини ўрганиш бўйича саволнома тайёрланиб, 85-100 фоиз — «намунали», 70-85 фоиз — «яхши» ва 55-69 фоиз — «қониқарли» дея баҳолаш мезонлари белгиланган ҳужжатлар ҳудудий қўмиталар томонидан барча ташкилотларга етказилди.

Мақсадга иложи борича тезроқ эришиш ниятида 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида фаолияти намунали йўлга қўйилган 6 та бошланғич ташкилот раисларини кўнгиллилар сифатида навбатдаги 6 та бошланғич ташкилотга бириктириш орқали уларнинг ҳам фаолиятларини намунали қилиш вазифаси қўйилди ва ҳозирги кунда ушбу йўналишда амалий чоралар кўрилмоқда.

Фаолиятда юз бераётган ижобий ўзгаришларни одамлар кўриб турибди ва муносабат ҳам шунга кўра тобора илиқлашмоқда. Энг мураккаб йўналиш-

2015-yil 7-mart, shanba, № 31-32 (3537), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

▼ 29 март — Сайлов куни

ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БОР?

— Илгариги сайлов кампаниясига қарағанда Ўзбекистоннинг амалдаги сайлов қонунчилиги қандай янги нормалар билан тўлдирилган?

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида "Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. «Сайловолди ташвиқоти» тушунчаси тўлиқ очиб берилди, уни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгиланди. Сайлов куни ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги, муддатидан олдин овоз беришнинг муддатлари, тартиби ва тартиб-таомиллари белгилаб қўйилди. Овоз бериш кунига қадар, шунингдек, овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишнинг тартибига оид қоидалар белгиланди. Кузатувчиларга Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича Конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилди, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини тузиш имконияти назарда тутилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиши белгилаб қўйилди.

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ

— Муддатидан олдин овоз бериш мумкинми? Муддатидан олдин овоз бериш қачон бошланади?

— Ҳа, мумкин. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 41-моддасига асосан Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

ХОРИЖДА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ

— Хорижда сайлов участкалари қандай тузилади?

— "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

БОШҚА ДАВЛАТДА БЎЛСАНГИЗ

— Овоз бериш куни бошқа давлатда бўлсангиз, қандай овоз бериш мумкин?

— "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ сайлов участкалари Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилиши мумкин. Ушбу сайлов участкаларида бошқаларда бўлгани каби овоз бериш соат 6:00 дан соат 20:00 гача амалга оширилади.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақли.

Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик қўяди.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

"УРГАНЧ ЁҒ МОЙ" ҚАНДОЛАТЛАРИ

«Урганч ёғ-мой» ОАЖда қандолатчилик цехи иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Цехнинг фаолият бошлаши 30 та янги иш ўрни яратилишига сабаб бўлди. Янада муҳими, бу ерда ОАЖга қарашли ёрдамчи хўжаликда етиштирилган сут қайта ишланмоқда.



Қисқа муддатда бу ерда ишлаб чиқарилаётган қаймоқлар, мармелад, конфет ва қуйилтирилган сут ўз харидорларини топди. Жамият қошида ташкил қилинган савдо шохобчасида ва вилоятдаги кўпгина савдо дўконларида бу маҳсулотлар хариди чаққон.

Қандолатчилар аҳил жамоада, замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада меҳнат қилаётганларидан мамнун.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

▼Амалий ёрдам

Гулнора Қосимова Бухоро давлат тиббиёт институтининг терапевтика кафедрасида ассистент лавозимида ишлаб келарди. 2014 йил сентябридан институт таркибидан ушбу кафедра ажралиб, Тошкент давлат стоматология институти Бухоро филиалига ўтказилгач, унинг аризасига биноан меҳнат шартномаси бекор қилинди. Сўнг у Тошкент давлат стоматология институти Бухоро филиали раҳбариятига ишга қабул қилишни сўраб ариза билан мурожаат этди. Афсуски, унинг аризаси кўриб чиқилмади ва ишга қабул қилинмади.

ХОДИМЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Г.Қосимованинг вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига мурожаати асосида кенгаш юридик бўлими мутахассислари Тошкент давлат стоматология институти Бухоро филиали раҳбарияти билан музокаралар олиб борди. Натижада, Г.Қосимова танловдан ўтиш шарти билан ассистент лавозимига ва орадан икки ой ўтмай, Стоматология илмий-амалий марказининг пулли хизмат бўлимига ўриндошлик асосида врач-терапевт стоматолог вазифасига ишбай ҳақ тўлаш шарти билан ишга қабул қилинди.

Яна бир мисол. Олотлик Назира Хўжаева бирлашма кенгашига ёрдам сўраб йўллаган аризасида Олот тумани Аму-Бухоро машина канали бошқармаси раҳбарининг буйруғига асосан у билан имзоланган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-бандига кўра, яъни ходимнинг пенсия ёшига тўлгани, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлгани муносабати билан бекор бўлганлиги, бироқ бу жараёнда унинг баъзи ҳуқуқлари бузилганлигини маълум қилган. Дарҳақиқат, касаба уюшма ҳуқуқшуносларидан Н.Хўжаевани ишдан бўшатиш чоғида МКнинг 109-моддаси талабига риоя этилмаганини аниқлади. Яъни, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ходимнинг ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшаш нафақаси тўланишига бўлган ҳуқуқи таъминланмаган. Иш берувчига киритилган тақдимнома натижасида Н.Хўжаевага ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшаш нафақаси тўлаб берилди.

Хулоса сифатида айтмоқчимизки, ушбу меҳнат жамоаларидаги ҳуқуқшунослар ва раҳбарлар хизмат вазифаларини бажариш жараёнида қонун талабларига жиддий ёндашганида эди, шунга ўхшаш кўнгилхираликлар юзага келмаган бўларди.

И.ТОШЕВ,
Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими мудири

ТАЪМИНЛАШДА КАМАРБАСТАМИЗ

касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Ўктам ТУРҒУНОВ билан суҳбат

тегишли даражада эътироф этилади: шунча тадбир ўтказилди, уюштирилди, ташкил этилди... қабилида. Лекин касаба уюшмалари фаолиятининг энг муҳим шарти, бу — қанча одам унинг эшигини тақиллатиб келгани-ю, қилган мурожаати билан, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, кўрган манфаати билан белгиланади. Муҳтасар айтганда, мурожаатлар ҳаракати қандай?

— Республика кенгаши юридик хизмати томонидан ўтган йили жами 159 та мурожаат қайд этилган бўлиб, уларнинг 21 таси ёзма, 79 таси оғзаки, 59 таси эса интернет орқали келиб тушган. Мазмуни ҳам турлича: меҳнат муҳофазасига оид масалалар юзасидан берилган тушунтиришлар 27 та, иш ҳақи, мукофот, пенсия тўловлари, иш вақти ва таътиллар тартибига оид 15 та, меҳнат шартномасини бекор қилиш, ўзгартириш, интизомий жазо қўллаш тартибига оид 20 та, моддий ёрдам ва сиҳатгоҳга йўлланма ажратишга оид 24 та, меҳнат қонунчилигига оид бошқа масалалар 20 та, касаба уюшмаси фаолиятига оид бўлмаган бошқа масалалар 46 та, такрорий ва дубликатлар 7 тани ташкил этди.

Кўриб чиқиш жараёнида 54 та мурожаат қаноатлантирилди, 90 тасига тушунтиришлар берилди, мазмун-моҳиятига кўра, 6 таси рад этилди. Даъводан воз кечилиб, келишув битими тузилганлари 2 тани ташкил этгани ҳолда, 39 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, мурожаатлар сони ва мазмун-мундарижаси арзнома эгаларининг ҳуқуқий саводхонлигига бевосита боғлиқ бўлиб, бу ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган давра суҳбати, семинар, ўқишларда қилинган маърузалар (4 та), ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган хўжалик шартномалари (71 та), жамоа шартномалари ва келишувлар (29 та) муҳокамалар асноси яна бир карра ўз тасдиғини топди.

Оғзаки мурожаатлар деярли ҳар куни келиб тушади ва уларнинг аксарияти иш ҳақи, солиқлар, нафақалар, шунингдек, ходимларнинг меҳнат манфаатларига тегишли саволлардир. Кўринадики, ушбу йўналишлардаги тушунтириш-тарғибот ишларига бўлган эътиборни янада кучайтириш керак, айнан шунга кўра, «Ишонч телефонлари» хизмат фаолияти ва «Веб-сайт»лар имкониятидан кенг фойдаланилмоқда.

Мана, аввалги ҳафтада «Бухоро-Навоий автомагистрал» корхонаси мутахассиси М.Файзиев томонидан бола 2 ёшга тўлгунга қадар нафақа берилиши тартиби тўғрисида мурожаат қилинди. Унга ўша куннинг ўзида факс орқали тегишли қонуний ҳужжатлар жўнатилди. Шундай қилиб, ушбу корхонанинг ёш болали аёл ходимларига нафақа тўланиши таъминланди.

Ёки бошқа бир мисол. «Фарғона цемент» қўшма корхонаси мутахассиси А.Зокиров томонидан Тошкент шаҳридаги ходимлар учун зарур каскалар ишлаб чиқарадиган корхонани аниқлаб бериш бўйича мурожаат қилинди. Бу масалага ҳам зудлик билан ойдинлик киритилди, «Линия защиты» корхонаси аниқланиб, унинг телефон рақамлари мурожаат эгасига етказилди. Шу тариқа воситачи савдо ташкилотларисиз, тўғридан-тўғри шартнома тузишга имкон яратилди.

Қуйида айтмоқчи бўлганим эса, касаба уюшмалари фаолиятининг ажралмас бир қисми. Самарқанд архитектура ва қурилиш институти раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси иқтидорли, камхарж оилалардаги икки талабага 2014 йил учун шартнома тўловини қоплашда амалий ёрдам бериш тўғрисида мурожаат қилди. Мурожаат Раёсат мажлисида кўриб чиқилиб, уларга 2,14 миллион сўм шартнома пуллари тўлаб берилди.

Аризалар билан ишлаш муҳим масала ва биз буни ишонч ифодаси деб биламиз.

— Ҳа, бош мақсад — касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлган, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳар жабҳада жўшқинлик ва ташаббускорлик уфуриб турган бир паллада Республика кенгаши кўпроқ нималарга эътибор қаратиши керак?

— Бизда мустақиллик йилларида бошқа мамлакатларда катта қизиқиш уйғотаётган яхши бир анъана шаклланди. Яъни, йилга берилган ном мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, Давлат дастури қабул қилинади-да, у барча соҳаларда, барча тармоқларда ва барча бўғинларда босқичма-босқич бажарилади. Энг муҳим жиҳат эса, унинг бардавомлиги бўлиб, бутун бир даврни қамраб олганлиги учун ўз аҳамиятини йўқотмайди ва шубҳасиз, мамлакатимизда юз бераётган ўсиш, ўзгариш, ривожланиш, тараққиёт ва бунинг натижаси ўлароқ, фаровон ҳаёт негизи ҳам ана шундадир.

Таъкидлаш жоизки, меҳнаткашларнинг меҳнат манфаатлари ҳимоясини амалга оширишга йўналтирилган фаолиятимизда Вазирлар Маҳкамаси, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси томонидан имзоланган Бош келишув жуда қўл келмоқда. Бош келишувни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, Республика кенгаши томонидан тармоқдаги республика идоралари, яъни Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги билан тузилган тармоқ Келишувлари қайтадан ишлаб чиқилди ва имзоланди. Шунингдек, илк бор «Тошшаҳартрансхизмат» АК билан тармоқ Келишуви имзоланишига эришилди. Муҳими, тармоқ Келишувларига Бош келишувда мавжуд бўлган меъёрларнинг барчаси киритилди. Келишувлар иқтисодиётни, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилиши юзасидан чоралар амалга оширилишини давом эттириш, республикамизда ислоҳотларни, янгилаш ва модернизация қилиш ишларини чуқурлаштириш каби йўналишларда иш берувчилар олдига кўпдан-кўп мажбурият қўйилганлиги билан аҳамиятлидир.

Яна бир муҳим жиҳат, бу меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва турмуш даражаси оширилишини таъминлаш мақсадида тармоқ корхоналари жамоа шартномаларига ўртача иш ҳақи миқдорини республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 8-14 бараваригача етказиш кўзда тутилганлигидир. Бунинг реал ҳисоб-китобларга асосланганлигини шундан ҳам билса бўлади. Масалан, йил якуни бўйича «Қувасойцемент», «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамиятларида ўртача иш ҳақи 2 миллион сўмдан ортиқ бўлди. Умуман, тармоқ бўйича ходимларнинг ўртача иш ҳақи миқдори йил сайин муттасил ошиб бормоқда.

Аҳоли бандлигининг самарали шакллари, шу жумладан, касаначилик иш жойлари яратилиши, шу тариқа аҳоли бандлигини ошириш борасида ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Масалан, 101 та корхонада 1100 дан зиёд касаначилик иш жойлари яратилди ва албатта, меҳнат ва ижтимоий кафолатларга доир уларнинг мажбуриятлари корхоналар жамоа шартномаларига киритилиб, оғишмай амалга ошириб келинмоқда.

Қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп. Масалан:

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун ссудалар бериш...

Тармоқ корхона ва ташкилотларида имзоланган жамоа шартномалари орқали ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, зарур имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш...

Кексаларга, шу жумладан, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш каби...

Ҳозирги пайтда жойларда ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида нафақат амалга оширилган ижобий ишлар тилга олинмоқда, шунингдек, фаолиятни янада яхшилаш, халққа яқинлаштириш бўйича кўпдан-кўп қимматли таклифлар ҳам билдирилмоқда. Албатта, биз уларни умумлаштириб, манфаатлар муштараклигига эришиш йўлидан оғишмай бораверамиз.

Муҳими, ижро интизоми. Бу эса, биз учун янгилик эмас.

Суҳбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ

▼Солиқ ва ҳаёт

Маълумки, ўтган йили "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ бир қатор ҳужжатлар, жумладан, Солиқ кодексининг 46 та моддасининг янги таҳрири амалда қўлланилаяпти.

ИМТИЁЗ — МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК

Жумладан, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш, уларнинг вақти ва маблағларини тежаш мақсадида Кодекснинг 45-моддасига киритилган ўзгартиришга кўра жорий йилдан тадбиркорлик субъектларининг солиқ ҳисоботи фақат электрон тарзида қабул қилинади. Бу нафақат тадбиркорлар, балки солиқ органларининг ишини осонлаштириш, ҳисоботлар аниқлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Кодекснинг 54-моддасининг янги таҳририга асосан якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам юридик шахслар сингари давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш юборилиб, текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, молиявий санкциялар суммалари тўлашни олти ой мобайнида тенг улушларда амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Шу ўринда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида тўхталсак. Унга кўра, солиқ тўловчи томонидан бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик учун мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, агар ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиниши белгилаб қўйилди. Ушбу янгилик жавобгарлик чораларини либераллаштириш ва маъмурий чораларни қўллашда шаффофликни таъминлаш билан боғлиқ ўзгартириш десак, тўғри бўлади. Чунки, шу кунгача шундай ҳуқуқбузарлик содир этилганда, мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда маъмурий жарима қўлланилаётган эди.

Юқоридаги ўзгартиришлар жорий йилнинг 1 январидан амалга киритилган бўлса-да, айрим корхона раҳбар ва бош ҳисобчилари томонидан лозим даражада бажарилмаяпти. Натижада, солиқ ходимлари маъмурий жазо чоралари қўллашга мажбур бўлмоқда. Масалан, «Namangan yuk avto» ДУК, «Mingbuloq paxta tozalash» АЖ, «Muhammadbobur savdo servis» ХК, «Попдавсувмахсуспудрат» ДУК, «Sardor ziyo servis» хусусий корхонаси раҳбарларининг ҳар бири МЖТКнинг 175-моддаси 6-қисмига асосан энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима жазосига тортилди.

Муродхон НУҚАРОВ,
Наманган вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

Ishonch

2015-yil 7-mart, shanba, № 31-32 (3537), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Реклама ўрнида

ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИ:

Хотин-қизлар тадбиркорлиги доимий эътиборда

Юртимизда барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари, аҳоли фаровонлигининг ошиши, албатта, истиқлол шарофатидандир. Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар республикамиз иқтисодиёти ва молия-банк тизимининг барқарор ривожида ўз ифодасини топиб, бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Айниқса, мамлакатимиз банк тизимида шундай самарали механизмнинг йўлга қўйилгани муваффақиятлар давомийлигини таъминлаб, жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликлари томонидан "Ўзбекистон банк тизимига — барқарор" рейтинг баҳоси берилишида мустаҳкам асос бўлди.

Юртимизда кичик бизнес соҳасини, хусусан, аёлларимиз тадбиркорлигини ривожлантиришда банк кўмаги муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни банкларнинг имтиёзли кредитлари асосида ўз бизнесларини муваффақиятли йўлга қўйган тадбиркор аёлларнинг дил сўзларидан, эришаётган ютуқларидан ҳам билиш мумкин.

Гулнора МАҲМУДОВА, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси:

— Юртимизда ишончли, барқарор ва кафолатли банк тизимининг самарали фаолият кўрсатаётгани аёлларимизнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига кенг имкон яратмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани англатади.

Шу ўринда Президентимизнинг «Бугунги кунда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳокимият ва бошқарув идоралари, вакиллик органлари фаолиятида, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирок этишини таъминлаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун имконият яратиш мақсадида олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз тобора кучайиб, ўз ҳосили ва самарасини бераётгани айниқса эътиборлидир», деган сўзларини эсга олиш жоиз.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилингани хотин-қизларимизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашида катта ёрдам бермоқда.

Албатта, ҳар бир тадбиркор ўз ишини бошлашда сармояга таянади. Бу борада банкларимизнинг кўмаги катта бўлаётир. Айниқса, Республика Марказий банки билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар иштирокида амалий учрашувлар, бизнес форумлар ўтказиб келинаётганлиги, шунингдек, коллежларни битирган қизларимиз учун бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилаётганлиги юқори самара бермоқда. Жумладан, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга тижорат банклари томонидан йўналтирилган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб боряпти. Сўнгги 10 йил давомида кредитлаш ҳажми 30 баравардан зиёд ўсганлиги юртимизда аёлларимиз тадбиркорлиги юксак даражада ривожланаётганлигидан далолатдир. Биргина "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида айнан аёллар тадбиркорлиги учун тижорат банклари томонидан қарийб, 1 трлн. сўмлик кредитлар ажратилиб, бепул консалтинг хизматлар кўрсатилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, тижорат банклари томонидан ўз вақтида ажратилаётган кредитлар эвазига, юзлаб ишлаб чиқариш объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари жадал ривожланаётганлиги, энг муҳими, кредитлар эвазига мамлакатимизнинг барча ҳудудларида минглаб янги иш ўринлари яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Юртимизда банк тизими томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қулай муҳит яратилганлиги уларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ортишига имкон бермоқда.

"Тадбиркор аёл" Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан Республика Марказий банки билан ҳамкорликда олиб борилаётган амалий ишлар аёлларимизни жамиятда ўз ўрнига эга бўлишида муҳим аҳамият касб этаётир. Юртимизда ишончли ва барқарор банк тизимининг самарали фаолият кўрсатаётгани бу борада беқиёс ўрин тутмоқда. Ўзбекистон тадбиркор аёллари номидан банк тизими раҳбариятига чуқур миннатдорлик билдириб, ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланиб боришига ишонч билдириб қоламиз.

Шафоат НУРУЛЛАЕВА, "Марзияхоним" хусусий корхонаси раҳбари (Навоий вилояти):

— Ҳозирги кунда қайси соҳани олмайлик, инсон ва унинг манфаатлари бирламчи эканини кўрамиз. Шу нуқтаи назардан тижорат банклари томонидан йўналтирилаётган кредит сармоялари биз, тадбиркорларга катта имкониятлар эшигини очмоқда

. "Миллий банк" кўмаги билан 1,6 млрд. сўм миқдорида кредит олиб, 10 гектар майдонга полиз экинлари етиштириш мақсадида иссиқхона ташкил этдим. Кредитдан самарали фойдаланганим боис даромадимиз ўтган йили 600 млн. сўмга етди. Маҳсулотимизнинг 80 фоизи хорижга экспорт қилиниб, 20 фоизи ички бозорда сотилмоқда. Банк тизимининг тадбиркор аёлларга кўрсатаётган амалий ёрдами учун миннатдорлигимизни билдирамиз. Шу фурсатдан фойдаланиб, барча ишбилармон ва ташаббускор опа-сингилларимизни баҳор ва нафосат байрами билан самимий табриклайман.

Интизорбону АБДАЛНИЁЗОВА, «Дастон акфа плюс» хусусий корхонаси раҳбари (Тошкент вилояти):

— Барқарор иқтисодий ўсиш, инвестиция, маҳаллийлаштиришга оид мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши, молия ва банк тизимининг мустаҳкамлиги ва бошқа муҳим омиллар иш ўринларининг кўпайишини таъминламоқда.

Мамлакатимизда янги мулкдорлар синфи жадал шаклланиб, кичик ва хусусий корхоналар, тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар тобора кўпайиб бораётир. Уларнинг оёққа туриб олиши, янада ривожланиши учун бошланғич капитал муҳим ўрин тутади.

Бундан етти йил олдин «Дастон акфа плюс» хусусий корхонасини ташкил этган эдим. Ўтган йиллар мобайнида «Микрокредитбанк» билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйдик. Шу кунгача банкнинг ишбилармонликни ривожлантиришга қаратилган кредитларидан мақсадли фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришга эришдик.

Жумладан, хориждан тузни қайта ишлаш ускунасини, шунингдек, тузни қадоқлаш технологиясини олиб келиб, фаолиятимизни бошлаган эдик. Айни пайтда ушбу замонавий ускуналар ёрдамида бир кунда 3 тоннагача ош тузини қайта ишлаб, йодлаб, қадоқлаб, истеъмолчиларга етказиб бераяпмиз. Бу ишларни корхонамизда меҳнат қилаётган 20 нафардан зиёд ёш ишчи-ходимлар бажармоқда.

Мамлакатимизнинг банк тизимида тадбиркор хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлар ўз бизнесимни йўлга қўйишимга кўмак берди. «Микрокредитбанк»нинг тадбиркор аёлларга кенг имкониятлар эшигини очиб бераётганидан беҳад мамнунмиз.

Банк билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттириб, фаолиятимизни кенгайтириш, маҳсулотлар тури ва янги иш ўринларини кўпайтиришни режалаштирганмиз.

Ораста ДОНИЁРОВА, коллеж битирувчиси (Навоий вилояти):

— Бугун ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришга ажратилган кредитлар ҳажми кундан-кунга ошиб бормоқда. Мен ҳам бу имкониятдан фойдаланган ҳолда "Агробанк"нинг Нурота филиалидан 12 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олдим. Кредит эвазига гўзаллик салони очиб, фаолиятимни йўлга қўйдим. Аввало, тадбиркорлик фаолиятимни бошлашимда менга банкнинг кўмаги асқотди. Коллежни битирган қизлар банклар кўмаги билан иш ўринларига эга бўлаяпти. Шунинг учун ҳам биз, ёшларнинг банклардан кўнглимиз тўқ.

Гавҳар ОТАБЕКОВА, «Фоиз» хусусий корхонаси раҳбари (Қўшкўпир тумани):


— Тадбиркорларга банклар томонидан кўрсатилаётган мададни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Тўғри-да, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлсангиз, лойиҳангизни банк молиявий қўллаб-қувватласа, йўл-йўриқ кўрсатиб, кредит берса, сиз ҳам руҳланиб кетасиз.

Ўз фаолиятимни мисол қилиб келтирсам, ишимизни ривожлантирищда «Ипотекабанк» Хоразм вилояти филиалининг ҳиссаси катта бўлди. Тикувчиликни ривожлантириш мақсадида ўтган йили банкдан 30 миллион сўм сармоя олгандик. Ҳозир шу маблағдан фойдаланиб, маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйдик. Натижада, сакиз киши ишли бўлди. Уларнинг олтитаси касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

Шу ўринда айтмоқчи эдимки, кредит ишимизга барака киритди. Ҳар ойда 12 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Даромадимизни ҳисоб-китоб қилсак, тез фурсатда кредитни тўлаб бўлиб, оладиган фойдамиз ҳам ошар экан. Бугун корхонамизда замонавий технологияларда ишлаётган ёшларни кўриб, ҳавасим келади. Улар билан ишлаш кишига илҳом бағишлайди. Шу боис, фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз. Янги йўналишлар, янги тармоқлар ташкил этмоқчимиз. Биз, хоразмлик тадбиркор аёллар банклардан миннатдормиз.











Айниқса, йиллик фоиз ставкалари бизга жудаям маъқул.

Ушбу молиявий мадад бизга нафақат моддий таянч, балки руҳий далда ҳам бўлди. Корхонамизда 15 нафар қиз фаолият кўрсатмоқда. Банкларнинг биз билан яқин ҳамкорлиги барча мақсадларимизга эришишда қўл келмоқда. Ўтган йили 896 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик. Бугунги кунда хорижлик ҳамкорларимизни ҳам топдик. Эндиги мақсадимиз ушбу ишлаб чиқарган маҳсулотларимизни экспорт қилишдир. Бизга кўмакдош бўлган банклардан мамнунмиз.

Нигора ҚЎШЧАНОВА, "Хоразм Технология" хусусий корхонаси раҳбари (Хоразм вилояти):

— Корхонамиз маҳаллий хомашёдан турли хилдаги пайпоқ ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, аҳолини, хусусан, коллеж битирувчиларини янги иш ўринлари билан банд қилиш мақсадида 126 млн. сўмлик кредит олиш учун "Микрокредитбанк"га мурожаат қилдик. Банк ходимлари бизнинг сўровимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, имтиёзли шартларда кредит маблағларини ажратди.

Кредитдан самарали фойдаланиб, хориждан замонавий пайпоқ тикадиган технологияни олиб келиб ўрнатдик. Бугунги кунда ишимиз ривожланиб, ўтган давр мобайнида 260 млн. сўмлик маҳсулотимиз ички бозорда сотилди. Асосийси, 7 нафар қиз иш билан таъминланди. "Микрокредитбанк"нинг ҳар томонлама мадади корхонамиз фаолиятида муҳим рол ўйнамоқда.

Гулбаҳор ЖУМАНИЁЗОВА, "Дилфуза Сервис" хусусий фирмаси раҳбари (Урганч шаҳри):

— Халқимиз нонни азиз неъмат сифатида қадрлайди. Дастурхонга, аввало, нон тортилади. Уни тайёрлаш кўп вақт ва меҳнат талаб қилади. Бу юмушни енгиллаштириш мақсадида мамлакатимизда нон ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун вилоятимизнинг хоҳлаган тижорат банкига борсангиз, орзу-умидларга тўла мижозларга кўзингиз тушади. Банкларда тадбиркорлар хонаси ташкил этилган бўлиб, барча шароитлар яратилган. Тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида "Халқ банки"нинг Урганч шаҳар филиалига бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Кўп ўтмай, 200 млн. сўм кредит маблағини олдим. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонамизда кунига 100 хил турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Лойиҳанинг амалга ошиши натижасида яна 8 нафар ёш ишли бўлди. Банклар тадбиркор аёлларнинг ишончли таянчидир. Биз бундан доимо фахрланамиз.

Динорахон РИЗАЕВА, «Status-Ost» МЧЖ раҳбари (Фарғона вилояти):

— Марғилон банк коллежида ўқиб юрганимда келажакда тадбиркор бўлиб, оилам фаровонлигини таъминлашни орзу қилардим. Бизни яхши яшашга, яхши ўқишга ва шу юртга фидойиларча меҳнат қилишга доимо илҳомлантириб турадиган куч Президентимизнинг ёшларга юксак ишончидир.

Шу сабабли коллежни битиргач, тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйишни ўз олдимга мақсад қилдим. Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Бунда, албатта, менга банк мададкор бўлди. "Агробанк" Фарғона вилояти бошқармаси томонидан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида 30 млн. сўм кредит ажратилди. Фаолиятимизни йўлга қўйгач, 3 та иш ўрни яратилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, "Агробанк" Фарғона вилояти бошқармаси ва унинг шаҳар, туман филиаллари томонидан ажратилаётган кредитлар, албатта, келажак учун пойдевордир. Бу сармоялар, шак-шубҳасиз, эртанги фаровон турмушимизни янада яхшилаш, жонажон Ўзбекистонимизнинг бундан-да гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Зулфия МИРХАЙИТОВА, »Asliddin Plyus Rivoj» оилавий корхонаси раҳбари (Тошкент вилояти):

— Мамлакатимизда сўнгги йилларда оилавий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, хусусан, касаначилик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада ишбилармон тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланиб улгурган банк ходимларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишда «Агробанк» ходимларининг қимматли маслаҳатларига таяниб иш тутдим. Бизнес лойиҳамга асосан «Агробанк»нинг Паркент филиали томонидан 17 млн. сўм миқдорида кредит олишга эришдим. Мазкур маблағ эвазига оилавий корхонамиз учун тикув машиналари ҳамда зарур матолар сотиб олиб, иш фаолиятимизни бошладик. Ўзимизнинг маҳаллий матолардан болажонларимиз учун қулай ва бежирим бўлган турли кийим-кечаклар тикиб, харидорларга етказиб бермоқдамиз. Олинган кредит ҳисобидан 5 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлашга эришдик. Энг асосийси, банкнинг молиявий кўмагидан унумли фойдаланиб, оилам фаровонлиги ва юрт тараққиётига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман. Келгусида банк билан ҳамкорлик қилиб, янги иш ўринлари ва маҳсулот турларини кўпайтириш ниятидамиз.

Зулфия КУРБАНБЕКОВА, "Хумоюн Бехруз" МЧЖ раҳбари (Амударё тумани):

— Банкларнинг амалий ёрдами билан республикамизнинг олис ва чекка ҳудудларида оилавий корхона очиб, моддий фаровонликка эришаётганлар кўплаб топилади. Коллежларни битирган қишлоғимиз ёшлари бугун банклардан имтиёзли кредитлар олиб, хусусий корхона раҳбари бўлиб, ҳам ўзи, ҳам тенгдошларини иш билан таъминлаш имкониятига эга бўлмоқда.

Ўзим мисолимда айтадиган бўлсам, банкларнинг кўмагида ўз маблағимга, куч-қудратимга эга бўлдим. Амударё туманида тадбиркор аёл деган ном қозондим. Аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш мақсадида транспорт хизматини йўлга қўйганмиз. Бу лойиҳани амалга ошириш учун банкдан 260 млн. сўм имтиёзли кредит олдим. Ҳозирда корхонада 5 нафар амударёлик ёшлар меҳнат қилмоқда.

Давлат СОБИРОВА, "Денов Дурдонаси" хусусий корхонаси раҳбари (Денов тумани):

— Вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга банклар томонидан катта аҳамият қаратилмоқда. Марказий банк ташаббуси билан тадбиркорлар иштирокида учрашувлар ўтказилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Банклар томонидан ажратилаётган кредитлар вилоятимиз аҳолисини иш билан таъминлашга, дастурхонларимиз тўкинлигига хизмат қилаётир. Халқимизнинг банкларга бўлган ишончи тобора ортмоқда. Бугунги кунда иқтисодиётимизни банклар фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Вилоятимизда тадбиркорлар ҳеч бир муаммосиз кредит олиш имконига эга. Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, Марказий банк томонидан тадбиркорларимизни кредитлаш соҳалари бўйича ишлаб чиқилган тартиблари анча соддалаштирилганлиги банк мижозларига қўл келмоқда. Мен ҳам "Қишлоққурилишбанк"нинг 500 млн. сўмлик кредити эвазига трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. 15 нафар йигит-қизни иш билан таъминладим. Даромадимиз ҳам яхши. Туманимиз аҳолисини трикотаж маҳсулотлари билан таъминлаб келаяпмиз. Бунинг учун банк ходимларига миннатдорлик билдирамиз.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақиллик чин маънода тадбиркорликка, тадбиркорлик субъектлари равнақига катта имтиёз ва имконият берди. Ўтган йиллар мобайнида мазкур тармоқ мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим бўғинга айланди. Бу ўринда Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсатни алоҳида эътироф этиш жоиздир.

Марказий банк материаллари асосида "Ishonch" мухбири Нарзулла МАҲАМОВ тайёрлади.

2015-yil 7-mart, shanba, № 31-32 (3537), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



▼Спорт — саломатлик гарови

Мазкур спорт тадбирининг Жиззах вилоятида ўтказилган икки босқичида 11,5 мингдан ортиқ ходим иштирок этган бўлса, улардан 228 нафари учинчи — вилоят босқичида ўз маҳоратини намойиш этди.

ЭПЧИЛЛИК, ЧАҚҚОНЛИК, МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

— Спартакиадани ўтказишдан асосий мақсад — меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш орқали уларнинг меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш ва энг муҳими, ходимларни турли касб касалликларидан муҳофаза қилишдан иборат, — дейди Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходими Фарҳод Аҳмедов. — Бу галги спорт тадбирининг аввалгиларидан фарқи шундаки, спорт турлари бир мунча ортди, эркин сузиш, бадминтон кабилар мусобақага бўлган қизиқишни янада ошириб юборди.



ЎзА сурати

Умумжамоа ҳисобида Жиззах шаҳри вакиллари биринчиликни олган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларни Бахмал, Пахтакор туманлари жамоалари қўлга киритди. Мусобақа ғолиблари ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, "Энг ёши улуғ иштирокчи","Ғалабага бўлган интилиши учун", "Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи", "Энг ёш иштирокчи" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

***

Мусобақаларнинг Бухоро вилоят босқичи байрамона руҳда ўтди. Вилоят марказидаги Нефт ва газ саноати коллежида 230 нафар тадбир иштирокчиси карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Халқаро талабларга мос равишда бунёд этилган спорт зали гавжум бўлди. Мусобақалар бош ҳаками, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Болта Ғаффоров ишораси билан беллашувларга старт берилди.

Дастлабки дақиқалардаёқ мусобақалар қизғин тус олди. Шашка мусобақаларида жондорлик иштирокчиларнинг қўли баланд келди. Эркаклар ўртасида туман тиббиёт бирлашмаси ходими Янги Собиров ғолибликка эришган бўлса, аёллар беллашувида тумандаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Дилбар Пўлатова биринчи ўринни эгаллади. Шахмат мусобақаларида Бухоро шаҳри вакили Махсума Мусаева ва қоракўллик Мақсуд Сувонов энг кўп очко тўплашга эришди.

Стол тенниси мусобақалари кескин тус олди. Унда Шофиркон туман 12-умумтаълим ўрта мактаби ўқитувчиси Гулруҳ Сиддиқова ва Жондор туман тиббиёт бирлашмаси вакили Фарҳод Чориев энг юқори натижаларга эришди.

— Корхонамиз маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси бўш вақтимизда спорт билан шуғулланиш учун барча шароитларни яратиб берган, — дейди сузиш беллашувларида аёллар ўртасида биринчи ўринни эгаллаган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишчиси Матлуба Муродова. — Жисмоний чиниқиш саломатлигимизни мустаҳкамлаш билан бирга, ишда унум, ўзимизга ҳамиша хуш кайфият бағишлайди.

Спортнинг ушбу тури бўйича эркаклар ўртасидаги мусобақада Бухоро шаҳри вакили Хуршид Ражабов ғолибликка эришди. Волейбол беллашувларида жамоавий ўйинни намунали ташкил этган Шофиркон тумани жамоаси финалда олотликларни мағлуб этиб, биринчи ўрин соҳибига айланди. Шаҳардаги "Хумо" спорт мажмуасида бадминтон мусобақалари ўтказилди. Унда аёллар ўртасида ғиждувонлик Юка Сидихара ғолибликка эришган бўлса, Бухоро шаҳри вакили Исомиддин Ҳасанов барча рақибларидан устун келди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ходими Шуҳрат Ниёзов "Энг ёши улуғ иштирокчи", Бухоро шаҳрилик Шерзод Рўзиев "Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи", Коғон шаҳри вакили Ҳамид Авезов "Ғалабага бўлган интилиши учун", мазкур шаҳардан қатнашган Сардор Ҳамроев эса "Энг ёш иштирокчи" номинациялари ғолиблари деб топди.

Мусобақа ғолибларига касаба уюшмаларининг диплом ва совғалари топширилди.

***

Нукус Олимпия захиралари спорт коллежида спартакиаданинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди. Қизиқарли беллашувлар якунида биринчиликни қўлга киритган жамоалар Бухоро шаҳрида ўтказиладиган финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар касаба уюшма ташкилотлари таъсис этган совға ва дипломлар билан тақдирланди.

Бундан ташқари, турли номинациялар бўйича номзодларга эҳтиром кўрсатилди. Мусобоқа қатнашчиларига санъат усталари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Ўз мухбирларимиз

Реклама ва эълонлар

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

1. "Касби тумани Уники қишлоғидаги 216 ўқув ўринли, 9х18 м. спортзалли №29-сонли умумтаълим мактаби қурилиши". Объектнинг бошланғич нархи бўйича қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 2.097.883.186 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 1.748.235.988 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 7 ой.

2. "Касби тумани Човқай қишлоғидаги 315 ўқув ўринли, 12х24 м. спортзалли №35-сонли умумтаълим мактаби қурилиши". Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 2.572.759.753 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 2.143.966.461 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 8 ой.

3. "Чироқчи тумани Жар қишлоғидаги 315 ўқув ўринли, 12х24 м. спортзалли №161-сонли умумтаълим мактаби қурилиши". Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 2.582.029.286 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 2.151.691.072 сўм, қурилишни тугаллаш муддати – 8 ой.

4. "Чироқчи тумани Оқ тунли қишлоғидаги 315 ўқув ўринли 12х24 м. спортзалли №99-сонли умумтаълим мактаби қурилиши". Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга – 2.560.538.688 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз – 2.133.782.240 сўм, қурилишни тугаллаш муддати – 8 ой.

5. "Яккабоғ тумани Жийда қишлоғи 315 ўқув ўринли №58-сонли мактаб қурилиши". Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 2.560.321.110 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 2.133.600.925 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 8 ой.

6. "Чироқчи тумани Оқолтин қишлоғидаги 315 ўқув ўринли 12х24 м. спортзалли №81-сонли умумтаълим мактаби қурилиши". Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 2.565.183.212 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 2.137.652.677 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 8 ой.

7. Лот №21-1. "Қарши шаҳридаги 320 ўқув ўринли 17-сонли кар ва соқов болалар учун махсус интернат-мактабни реконструкция қилиш (150 ўқув ўринли ётоқхона биноси қурилиши)" (қайта танлов савдолари). Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1.865.358.740 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 1.554.465.617 сўм, қурилишни тугаллаш муддати — 8 ой.

8. Лот №22-1. "Қарши шаҳридаги 18-сонли кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатни реконструкция қилиш (ҳаммом, кирхона ва ёрдамчи бинолар 3-этап қурилиши)" (қайта танлов савдолари). Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 1.420.185.950 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 1.183.488.292 сўм, қурилишни тугаллаш муддати – 8 ой.

Буюртмачи: Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.

Манзил: Қарши шаҳри, Ўзбекистон овози газетаси кўчаси, 3-уй. Телефон: (0-375) 227-18-51, 227-13-51.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат "Қурилиш — пудрат ташкилотлари реестри"га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат берилади.

Давлат бюджети ва бошқа марказлашган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар бўйича — бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган янги қурилиш ва капитал реконструкция қилинадиган объектлар танлов савдоларида оферталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ кўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф кўшимча қиймат солиғи суммасига кўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — "Давархитектқурилиш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Қарши ш. Хонобод шоссеси кўчаси, 46-"А" уй. Тел.:/Факс: (0-375) 224-05-24, 224-18-33.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи– 90000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда, Ўзбекистон овози газетаси кўчаси 3-уйда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Вниманию организаций и предприятий!

Войсковая часть 74520
ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ!

По объекту: «Строительство мини футбольной площадки на территории многоэтажных жилых домов по ул.Навои в г.Навои».

Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 173 082 093 сум, с НДС 207 698 511 сум.**
Срок окончания работ, установленный заказчиком 2 месяца.
Заказчик **Войсковая часть 74520**
Расположенный **г.Навои.**
Финансирование проекта будет осуществляться **за счет собственных средств.**
(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса).

Вниманию организаций и предприятий!
АО «Навоихлебопродукт» Навоийской области
ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ!

По объекту: **«Реконструкция здания «столовой» с переделкой отдельной части под пекарню АО «Навоийдонмахсулотлари» расположенный в пос.Спутник г.Навои» (без технологической части проекта).**
Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 319 622 320 сум, с НДС 383 546 784 сум.**
Срок окончания работ, установленный заказчиком **60 дней.**
Заказчик **АО «Навоихлебопродукт» Навоийской области.**
Расположенный **г.Навоий пос.Спутник.**
Финансирование проекта будет осуществляться **за счет собственных средств.**
(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса).

Вниманию организаций и предприятий!
Навоийское областное управление АКБ «Агробанк»
ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ!

По объекту: **«Реконструкция и капитальный ремонт административного здания Навоийского областного управления АКБ «Агробанк» в г Навои» (перерасчет).**
Стартовая стоимость заказчика составляет **без НДС 851 850 401 сум, с НДС 1 022 220 481 сум.**
Срок окончания работ, установленный заказчиком **150 дней.**
Заказчик **Навоийское областное управление АКБ «Агробанк».**
Расположенный **г.Навоий ул.Меъморлар – 104.**
Финансирование проекта будет осуществляться **за счет собственных средств.**
(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса).

С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навоий, ул. Гвасалия 2А, тел: 225- 49-96, 225-47-98
Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.
Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А,
тел: 225-49-96, 225-47-98
Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.
Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул.Гвасалия 2а не менее чем через 30 дней после опубликования объявления. **Услуги лицензированы.**

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат Тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Сергели-4, 31-"А" уй манзилида сақланаётган 2008 йилда и.ч, д/р 01 377 ХВА, бошланғич нархи 28 933 000 сўм бўлган, ВАЗ 21703-114-01 русумли, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 6-уй манзилида сақланаётган, 1991 йилда и.ч., д/р 01 719 LCA, бошланғич нархи 1 657 000 сўм бўлган ГАЗ 2410 русумли, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 6-уй манзилида сақланаётган, 2007 йилда и.ч., д/р 01 158 FDA, бошланғич нархи 32 075 000 сўм бўлган ГАЗ 2705 русумли, Ўзбекистон Республикаси Давлат Тижорат Халқ банки Олмазор филиалининг Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Бабаджанова кўчаси, 10-уй манзилида сақланаётган 2008 йилда и.ч, д/р 01 772 ВВА, бошланғич нархи 11 044 000 сўм бўлган, ВАЗ 21703-114-01 русумли, Ўзбекистон Республикаси Давлат Тижорат Халқ банки Яккасарой филиалининг Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ракат кўчаси, 2-"А" уй манзилида сақланаётган 2001 йилда и.ч, д/р 01 177 ВСА, бошланғич нархи 16 132 000 сўм бўлган, Дамас русумли автотранспорт воситалари қўйилмокда.

Аукцион савдоси 2015 йил 8 апрел куни Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, соат 11:00 да бўлиб ўтади. Автотранспорт ушбу савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 11:00 да 2015 йил давомида сотилгунча ўтказилади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий банк иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказиладиган кундан бир расмий банк иш куни олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р20208000604941652001, МФО 00425, СТИР: 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: 144-66-55. Гувоҳнома №005424.

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани 115-умумтаълим мактаби томонидан 2009 йил Сатторова Дилшодахон Муҳаммаджоновна номига берилган **U 4045493** рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

2015-yil 7-mart, shanba, № 31-32 (3537), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Барча аёлларимизни

8 март —

Халқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан қутлайди.

Баҳорий кайфият ҳеч биримизни тарк этмасин, азиз ва муҳтарам аёллар!

Март

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Сиз мунис опа-сингилларимизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, касб-корингизда омад, баҳорий кайфият тилаймиз.

Қалбларингиз меҳр-муҳаббатга, шодликка тўлиб, гўзаллик доимо ҳамроҳингиз бўлсин!



«Ўзметкомбинат» АЖ касаба уюшма қўмитаси

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча дилбар аёлларни, опа-сингилларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этади.

Ҳаётимизнинг гули бўлган Сиз азизларга доимо баҳор ифоридек мафтункорлик, узоқ умр, соғлик, омонлик тилайди.

«Зомин санаторийси» МЧЖ жамоаси

Муҳтарама онахонлар, дилбар опа-сингилларимизни гўзаллик ва нафосат байрами бўлмиш

8 март —

Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий қутлайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин!

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev

Navbatchi: A.Arslonov

Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 21:05
Topshirildi — 22:30

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 315 | 20844 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5